

# ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!



O'zbekiston Respublikasi  
Ichki ishlar vazirligi nashri

# Postda На посту

2023-yil  
31-avgust  
payshanba

№ 35 (4625)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan

Web-site: [www.postda.uz](http://www.postda.uz)

E-mail: [info@postda.uz](mailto:info@postda.uz)

## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ ҚУТЛУҒ СЎЗИМДИР ВАТАН!



Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармониغا мувофиқ, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги алоҳида хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги шарафли бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидаги бир гуруҳ ички ишлар органлари ходимлари орден ва медаллар билан мукофотланди:

### «МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллажонов Нодир Боқижонович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хизмат бошлигининг ўринбосари

**Байбутаев Камолитдин Исроилович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

**Болиев Умар Усмонович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўқув-дала маркази бошлиғи

(Давоми 2-бетда).

Ички ишлар вазирлигида мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов янги Ўзбекистонда ўз ҳаётини элу юрт осойишталигини сақлашдек улуғ ва олижаноб ишга бағишлаган, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўлида фидойилик билан хизмат қилиб келаётган ички ишлар органларининг барча ходимлари, ҳарбий хизматчилари, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, фахрийларни энг улуғ, энг азиз айём билан самимий муборакбод этди.

Шунингдек, вазир жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш масаласини бир дақиқа бўлса-да унутмаслик кераклигини таъкидлаб, давлатимиз раҳбари ва халқимизнинг ишончини оқлаш учун ҳар бир ходим фидойилик билан хизмат қилиши лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтди.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Пак Станислав Юрьевич** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Эксперт-криминалистика маркази бошлиғи

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Агзамов Фарход Акмалович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги катта тезкор вакили

**Бобоназаров Музаффар Комилжонович** – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи

**Мустафоқулов Илхом Самардинович** – Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

**«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Бекчонов Шухрат Султонмуродович** – Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Бобарахматов Махмуджон Фуломович** – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси

патруль-пост хизмати отряди бўлинма командири

**Жўраев Махмуджон Махаммаджонович** – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Иминов Зиёд Галибович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Қодиров Хайрулла Баратович** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

**Миразимов Мирзохид Мирсаидович** – Наманган вилояти Поп тумани Ички ишлар бўлими тезкор вакили

**Мирзаев Шавкатжон Аҳадалиевич** – Фарғона шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

**Нормухаммедов Мирмухсин Муртозаевич** – Навоий вилояти Навоий шаҳар Ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

**Пахратдинов Махсуджан Махмуджонович** – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

**Таймуратова Гулчехра Амоновна** – Тошкент шаҳар Олмазор тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори

**Турдиев Ғолиб Мустафоевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш колонияси бошлиғи

**Унгарбаев Искандер Орунбасарович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Метрополитенда хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси сафдор-ходими

**Эшанкулов Мусратилла Марданкулович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Самарқанд» халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш алоҳида батальони гуруҳ командири

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдусоттаров Азизжон Хусанович** – Жиззах вилояти Арнасой тумани Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Араббоев Сардорбек Тургунович** – Андижон вилояти Олтинқўл тумани Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Жалолов Мансуржон Шамсидинович** – Бухоро вилояти Қорақўл тумани Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Жўрабоев Озодбек Абдуқаҳҳорович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи

**Қосимов Шерзод Саримсоқович** – Жиззах вилояти Дўстлик тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи

**Кулибоев Адхам Ниёзович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Мирзабаев Сардор Худайбердиевич** – Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Муминов Нодирбек Абдуқаҳҳорович** – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

**Таиров Алишер Зиядуллаевич** – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор-ходими

**Ураков Ғайрат Халилович** – Самарқанд вилояти Булунгур тумани Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**УНВОН МУБОРАК,  
АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғига кўра, мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан хизмат вази-фаларига сидқидилдан ёндашиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидаги бир гуруҳ ходимларга навбатдаги «полковник» махсус унвони берилди:

**Ибрагимов Шерзод Шокирович** — ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиғи ўринбосари – Жамоат тартибини сақлаш хизмати бошлиғи

**Менглиев Фахриддин Валиевич** — Ички ишлар вазирлиги кадрларининг амалдаги захирасидаги ходим

**Қулбеков Ойбек Турсиналиевич** — ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти бошлиғи ўринбосари

**Қодиров Мансур Холиёрович** — ИИБ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Муродов Бахтиёржон Баходирович** — ИИБ Академияси кафедра бошлиғи

**Джураев Фарҳад Эшбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг бош инспекторлар гуруҳи вазирининг бош инспектори

**Дошумбаев Тимурбек Кунградбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Иккинчи минтақавий ҳудуди бўйича вакил – минтақавий мувофиқлаштириш маркази бошлиғи

**Ибрагимов Фаррух Фарходович** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар бўйича ИИОФМБ бошлиғи

**Қосимов Боситхон Абдирайимович** — Наманган вилояти ИИБ Ташкилий бошқарма бошлиғи

**Шарипов Фулом Машарифович** — Хоразм вилояти ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи

**ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ ҚУТЛУҒ  
СЎЗИМДИР ВАТАН!**

(Давоми.)

Тадбирда Президентимиз фармони ҳамда Ички ишлар вазирининг буйруғига кўра мукофотланган бир гуруҳ ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларига давлатимизнинг юксак мукофотлари, вазирликнинг идоравий мукофотлари тантанали равишда топширилди.

– Мустақиллик – улғунеъмат. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши

курашиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Шу сабабли барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органларнинг аҳоли билан ҳамкорликда хизмат олиб бориши ўзининг ижобий натижаларини бераётир, – дейди «Жасорат» медали соҳиби, Фарғона вилояти ИИБ бўлим бошлиғи, подполковник Музаффар Бобоназаров. – Бундан кейин ҳам саъй-ҳаракатларимизни янада такомиллаштириб, давлатимиз ва халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида бор куч-ғайратимизни аямасдан хизмат қиламиз.

Тадбирда сўз олганлар ҳам билдирилган юксак ишонч учун Юртбошимизга чуқур миннатдорлик билдириб, келгуси фаолиятида

уни астойдил оқлашга ваъда беришди.

Ўз мухбиримиз.





Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкори

## ЁРҚИН КЕЛАЖАК САРИ

Одатда фарзандлар кўпинча отасининг ёки бошқа бирор яқин қариндошининг изидан боришга интилади. Аммо отаси шифокор бўлганига қарамай, Шерзод Янгибоев болалиқдан ҳуқуқ-тартибот соҳасига қизиқиб улғайди. Гулистон шаҳридаги академик лицейни, ИИБ Академиясини тамомлаган қаҳрамонимиз Сирдарё туманидаги «Қуёш» маҳалласи профилактика инспектори лавозимида хизмат фаолиятини бошлади.



Етти йил давомида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли билан ишлаш сирларини ўрганган Шерзод Янгибоев ҳар томонлама амалий тажриба тўплади.

Жорий йилдан Мирзаобод тумани «Янги Ўзбекистон» маҳалласи профилактика инспектори лавозимида ҳудудга келган заҳоти ўз

атрофига ёшларни бирлаштиришга киришди. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда турли спорт мусобақалари ташкил этди.

Жинойтга мойил шахслар, нотинч оилалар билан алоҳида шуғулланди. Уларнинг ҳолдан хабар олишни ҳар кунги одатига айлантирди. Натижа кўп куттирмади. Сўнгги олти ойда маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Оилавий низолар камайди.

Шерзод маҳаллада китобхонликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Натижада беш юздан ортиқ китоб фондига эга, мўъжаз кутубхона вужудга келди. Ҳозир ушбу зиё маскани нафақат ёшлар, балки турли ёшдаги маҳалла аҳли билан гавжум.

Капитан Шерзод Янгибоев ёрқин келажак сари дадил интилмоқда. Бу йўлда турли қийинчиликларга дуч келиши ҳам тайин. Аммо ўз умрини эл осойишталиги ва юрт фаровонлигини таъминлашга бахшида этишни ният қилган қаҳрамонимиз барча машаққатларни енгиб ўтишига ишонамиз.

**Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,**  
ўз мухбиримиз.

*Сирдарё вилояти.*



## ЎЛМАС БИТИҚЛАР

Бу ёруғ оламда одам боласи учун ундан кўра азиз ва табаррук, ундан кўра мўътабар ва улўғ тушунчанинг ўзи йўқ. Ўзини билган одам учун Ватани озод кўрмоқ – энг улўғ саодатдир.

**Абдулла ОРИПОВ,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Халқ шоири.



Улар биринчилардан эди

## СИНОВЛАРДА СИНМАГАН САБОҲАТ

**Милиция лейтенанти Сабоҳат Назарова Самарқанд вилоятида биринчи участка инспектори бўлиб фаолият кўрсатган ўзбек аёлидир.**

1908 йилда Самарқанд шаҳар Панжикент кўчаси 168-уйда истиқомат қилувчи оддий ишчи Назар Зокиров оиласида туғилган фарзандлар ичида ягона қиз бўлган Сабоҳатни ота-онаси илмли, зиёли инсон бўлишини хоҳлашарди. Лекин Сабоҳат еттинчи синф маълумотига эга бўлиб, ўн беш ёшида турмушга узатилади. У ўғил кўради, аммо бахтли кунлари узок давом этмайди. Тўсатдан турмуш ўртоғи вафот этади. Норасидаси билан бева қолган Сабоҳат ҳаёт қийинчиликлари олдида таслим бўлмайди. Аксинча, янада кучли бўлишга, курашишга, олға интилишга ўрганади. 1930 йилда Самарқанддаги милиция бошлиқлари таркибини тайёрлаш мактабиде ўқийди. Сўнг Жиззах шаҳар милиция бўлимига участка инспектори сифатида хизматга қабул қилинади. Ўша кезларда мураккаб ва хавфли соҳа

ҳисобланган милиция тизимида ўзбек қизлари кўп эмасди. Бироқ С. Назарованинг дадиллик билан «Мен хавфли, аммо Ватан учун керакли бўлган постда турганимни доимо ҳис қилганман», деган сўзлари соҳага нисбатан хотин-қизларда ҳам иштиёқ ортишига сабаб бўлади.

Ташаббускор, интилувчан ва қатъий интизомли бу аёл тезда раҳбариятнинг ҳам эътиборига тушади. У жиддий жанговар операцияларда иштирок этар, зиммасига масъулиятли вазифалар юкланарди. Бундан руҳланиб, ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун қўлидан келганча ҳаракат қиларди. Билими, тиришқоқлиги билан хизматдошлари орасида ажралиб турар, катта ёшли ходимларнинг тажрибасини диққат билан ўрганишга ҳаракат қиларди.

1935 йилда Сабоҳат Назарова Самарқанд шаҳри-



га қайтиб, шу ерда 3-сон милиция бўлимига участка инспектори лавозимида хизматни давом эттиради. У жамоат тартиби ҳимоясида сергаклик билан хизмат қилади. Ўзига бириктирилган ҳудудда биронта ҳам жиноят содир бўлмаслиги учун кенг жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатади.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари қаҳрамонимиз эл бошига тушган синовли кунларни нафақат ходим, балки бир ватанпарвар она сифатида қаршилаб,

жасорат кўрсатади. Ўғли Раҳматуллани биринчилардан бўлиб фронтга кузатади. Ўзи эса хизматини давом эттиради. Афсуски, дайди ўқ Раҳматуллани аямайди, у ногирон бўлиб қайтади.

Суронли йиллар машаққатларига матонат билан бардош бериб, жиноятчиликка қарши мардонавор курашган қаҳрамонимиз бир қатор медаллар ҳамда узок йиллик самарали хизмати, касбига садоқати, фидойилиги учун 1954 йил 25 июнда «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланади. 1963 йилда иззат-икром билан пенсияга кузатилади.

– Онам тўққиз ойлик гўдаклигимда оламдан ўтиб, бувимнинг қўлида қолганман, – дейди Сабоҳат Назарованинг набираси Сирож Назаров. – Ўша кезларда улар эндигина пенсияга чиққан эканлар. Мени оқ ювиб, оқ тараб, онам ўрнида она бўлиб, катта қилганлар. Бироқ инсон бир умр меҳр кўрган инсонлари билан бирга қололмас экан. Бувим етти ёшли-

гимда оламдан ўтганлар. Мен учун бу ниҳоятда оғир кунлар бўлган. Йиллар ўтди. Бувимнинг ёди ҳамisha биз билан бирга бўлсин, деган мақсадда набира қизимнинг исмини Сабоҳат деб қўйдим. У аёллар футболни бўйича уч карра Ўзбекистон чемпиони, келгусида ички ишлар органи ходимаси бўлиш ниятида. Набирамнинг шижоати, тиришқоқлиги ва ўзига нисбатан талабчанлигининг гувоҳи бўлганимда, ҳар гал бувижонимнинг нурли сиймоси кўз олдимга келиб, юрагимни ёқимли ҳислар қамраб олади.

Ҳаёт синовларида синмаган, балки уларни мардонавор енгиб, ўзбек оналарига хос жасорат кўрсата олган Сабоҳат Назарованинг набиралари Комилжон Назаров, Сирож Назаров, эвараси Илҳом Назаров узок йиллар ички ишлар органларида самарали хизмат қилиб, унга муносиб издош бўла олишган.

**Гулноза ТУРФУНБОЕВА,**  
ўз мухбиримиз.





Награжденные Родиной

# УВЛЕЧЕННОСТЬ ПРОФЕССИЕЙ

**Подполковник Станислав Пак убежден: работа эксперта-криминалиста не только весьма значима в правоохранительной системе, но и одна из самых интересных. Эксперты-криминалисты – интеллектуальные борцы с преступностью. Криминальный мир вооружается продвинутыми технологиями. Чтобы противостоять ему, нужно действовать на опережение, осваивая новейшие знания.**

Служебный путь в органах внутренних дел героя очерка начался в дежурной части ныне УКД ОВД Бектемирского района столицы. Офицерские погоны С. Пак надел, будучи следователем в УКД ОВД Мирабадского района.

– С интересом наблюдал за действиями экспертов-криминалистов, работавших со мной в составе следственно-оперативных групп. Меня всегда интересовало это направление деятельности, – делится Станислав Юрьевич.

С 2019 года С. Пак возглавляет ЭКЦ ГУВД г. Ташкента – одно из крупнейших подразделений службы.

– Каждая экспертиза по-своему оригинальна и важна. При этом реалии времени заставляют нас активно развивать экспертизы, связанные с исследованием компьютерной техники, мобильных средств связи и электронных носителей информации, – продолжает подполковник С. Пак.

Следует отметить, что в подразделении под руководством С. Пака осуществляются сложнейшие исследования и экспертизы с использованием современных аналитических методик. Что же касается управления, то здесь Станислав Юрьевич стремится быть во всем образцом для подражания.

– Он из тех руководителей, которые не только словом, но и личным примером увлекают коллег. Коллектив уважает его за глубокие знания, настойчивость, принципиальность, требовательность к себе и к подчиненным, – говорит старший эксперт ЭКЦ ГУВД г. Ташкента подполковник Нодира Закирова.

На сегодняшний день ЭКЦ ГУВД столицы представлен четырьмя отделами, которые сопровождают расследование и раскрытие преступлений.

– Эффективность служебной деятельности Центра зависит от слаженной работы всего личного состава, – подчеркивает



С. Пак. – У нас сложился профессиональный коллектив. Сотрудники в основном молодые, перспективные, высокообразован-

ные. В подразделении налажена работа института наставничества.

Постоянное повышение квалификации – задача

каждого эксперта. Формы совершенствования знаний – самые разные. Мы посещаем выставки, связанные с информационными технологиями, знакомимся с новым программным обеспечением, которое помогает в расследовании преступлений и в производстве экспертиз, изучаем современную литературу, участвуем в конференциях, круглых столах.

Указом Президента Республики Узбекистан «О награждении в связи с 32-летием государственной независимости Республики Узбекистан группы военнослужащих и сотрудников правоохранительных органов» герой статьи удостоен ордена «Дўстлик».

– Рад, что моя судьба неразрывно переплелась с экспертно-криминалистической службой. Благодаря сплоченности, мы добиваемся высоких результатов в профессиональной деятельности. Отделы ЭКЦ привносят существенный вклад в борьбу с преступностью. Считаю, что награда – высокая оценка труда всего коллектива.

**Азиза БОХОДИРОВА,**  
капитан.

## ■ Хорезмская область



**На базе Хорезмского академического лицея Министерства внутренних дел состоялись учебные сборы для представителей подразделений безопасности дорожного движения, охраны общественного порядка, профилактики правонарушений, оперативных служб.**

Занятия проходили с учетом специфики направления деятельности сотрудников.

В центре внимания были вопросы укрепления профессиональных знаний стражей правопорядка. Особое внимание уделено значимости неукоснительного соблюдения Кодекса профессиональной культуры и служебной дисциплины, рассмотрены прикладные методики и формы оптимального вступления в межличностное общение.

**Фуркат САЛАЕВ,**  
майор.





Юксак мукофот соҳиблари

## ЭРДАН ЭР ТУФИЛАР

«Бобом ички ишлар органи ходими бўлган. У кишининг ортидан яна беш амаким шу соҳани танлаган. Болалигимда Салоҳиддин амаким формасини кийиб мотоциклда келганида, мен дарров унинг бош кийимини кийиб олардим. Шундай бош кийим кийишни хаёл қилиб, кўчада ўртоқларимга мақтанганларим эсимда. Шукри, орзуларим бугун ўнгга айланди», деб эслайди Бойсун тумани ИИБ Тезкор-қидирув хизмати тоғли ва чегарадош ҳудуд тезкор гуруҳи катта тезкор вакили, подполковник Илҳом Мустафоқулов.

Соҳадаги фаолиятини 2001 йили профилактика инспекторлигидан бошлаган қаҳрамонимиз, 22 йилдики, халқ хизматида эканлигидан фахрланади.

2015 йилдан тезкор-қидирув хизматида фаолиятини давом эттирган Илҳом Мустафоқулов кўплаб жиноятларни фош этишда жонбоз-

лик кўрсатиб келаётир. Асосан гиёҳвандлик ва терроризмга қарши курашда унинг хизмати сафдошлариникидан кам эмас.

Тоғли ҳудудда фаолият олиб боришнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Жиноятчиларни ушлашнинг қулай вақтини пойлаб ётиш – кишидан метин ирода, сабр-тоқат ва бардош талаб қилади. Илҳом Мустафоқулов ҳам айна шу сифатларга эга, ўз вазифасини сиздиқидан адо этгани билан ҳамкасблари ва раҳбариятнинг хурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Бола бошидан маълум бўлганидек, қаҳрамонимиз болалик пайтлариданоқ ўта ғайратли эди. Унга бир жойда тинчгина ўтириш ёқмас, балки югур-югур, доимий ҳаракат қилиб туришни хоҳларди. Отаси Самариддин ака ўғлидаги бу шахтни, ғайратни кўриб, ички ишлар органи ходими бўлишига қаршилиқ

қилмади. Аксинча, ота-боболари доим эл устида, халқ хизматида юрганини, бобокасни давом эттириш яхшиликка етаклашини уқтирди. Ҳамонки, ўғлининг яқин маслаҳатгўйи сифатида қўллаб-қувватлайдиган, ҳалол ва доим ҳушёр бўлишга ундайдиган Самариддин ака бугун унинг ютуқларидан қувонади.

Энг улғу, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллиги арафасида давлатимиз раҳбари фармони билан Илҳом Мустафоқулов «Жасорат» медали билан тақдирланди. Бу мукофот унинг шунча йиллик меҳнатлари эвазига берилган чинакам баҳо бўлди.

– Рости, мукофот ҳақида эшитганимда, руҳландим. Ота-боболаримнинг изидан юриб, уларга муносиб фарзанд бўлишни уддалаётганимдан қувондим. Ва бундан кейин ҳам ҳаракатдан тўхтамайман.

Қаҳрамонимиз 4 фарзанднинг



отаси. Улар ичида Жасурбек ва кенжатоғи Мадинахон ота касбини танлаш нияти бор. Ҳа, асли моҳиятида бошқалар тинчлиги учун хизмат қилиш, ҳаловатдан кечишдек эзгу туйғулар мавжуд кишининг фарзандлари ҳам ўзидек элпарвар бўлиб ўсади. Бунинг учун уларга узундан-узоқ ваъзхонлик шарт эмас, ўрнатилган ўзи етади.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**  
ўз мухбиримиз.

Сурхондарё вилояти.



Хизматларда

## БАЙРАМЛАР ЯРАШАР ОСУДА ЮРТГА

Шу кунларда Хоразм вилояти аҳолиси мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги – Истиқлол байрамини хуш кайфиятда, муносиб кутиб олмақда. Истироҳат боғларида, сайилгоҳларда, маҳалла ва гузарларда байрам тантаналарига пухта ҳозирлик кўрилди. Байрам тадбирлари ўтказиладиган ҳудудларда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга ички ишлар органларининг барча соҳавий хизмат ходимлари жалб қилинган.



Байрамни тинч ва осойишта ўтказиш мақсадида вилоят ҳудудида «Хавфсиз ҳудуд» тезкор-профилактик тадбири ўтказилмоқда. Тадбирлар давомида тунги клублар, кафе-барлар ва бошқа кўнгилочар масканлар ҳамда маҳаллалар ҳудудлари кўздан кечирилиб, халқимиз осойишталигини таъминлашга астойдил ҳаракат қилинапти.

Профилактик тадбирлар давомида вилоят ҳудудида турли ҳуқуқбузарликлар

содир этган 5482 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Шунингдек, 630 нафар шахс профилактик ҳисобга олинди. Пробация ҳисобида турган 1739 нафар маҳкумининг яшаш ва меҳнат қилиш манзилида бўлиши ўрганиб чиқилди. Гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган 13 та ҳолат аниқланиб, жиноятчилардан 6984,7 грамм гиёҳвандлик



воситалари олинди. Жиноят содир этиб, суд ва тергов органларидан яшириниб юрган 16 нафар қидирувдаги шахс қўлга олинди. Турли ҳуқуқбузарликлар содир этган 94 нафар шахс маъмурий қамоққа олинди.

Ҳудудларда ўтказилган профилактик тадбирлар давомида хонадонларни техник қўриқлаш пунктига улаш, корхона ва ташкилотлар, савдо шохобчаларига видеокузатув мосламаларини ўрнатиш, фуқаролар-

нинг ўз мол-мулкига бўлган дахлдорлик ҳиссини ошириш бўйича ҳам тарғибот ишлари олиб борилди.

Кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда амалга оширилган бу каби профилактик тадбирлар юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Бекзод МИРЗАҚУЛОВ,**  
подполковник.

Хоразм вилояти.



■ Ташкентская область

## ПРОФИЛАКТИКА – БАРЬЕР ДЛЯ ПРАВОНАРУШЕНИЙ

Накануне празднования Дня независимости хоким Ташкентской области Зойир Мирзаев и начальник ГУВД области генерал-майор Тохир Арипов провели встречу с инспекторами профилактики, несущими службу в городах и районах региона.



На встрече были затронуты вопросы усиления работы по предупреждению правона-

рушений. Отмечалось, что в этом деле первостепенная роль отводится инспекторам

профилактики. От их бдительности и системной деятельности во многом зависят мир и

спокойствие в махаллях. Подчеркнуто, что по инициативе Президента страны в республике

осуществляются эффективные меры по борьбе с преступностью, профилактике правонарушений, уделяется внимание вопросам стимулирования сотрудников правоохранительных органов. Подчеркнута значимость более тесного сотрудничества с ветеранами и активистами, расширения рамок работы с неорганизованной молодежью, гражданами, вернувшимися из трудовой миграции.

По итогам встречи отличившимся сотрудникам вручены подарки и почетные грамоты.

**Сирожиддин  
ДЖУРАБАЕВ.**



*Ровесники независимости*

## РАДИ БЛАГОПОЛУЧИЯ

**Инспектор профилактики ОПП СОБ ОВД Каракульского района Бухарской области старший лейтенант Журабек Умаров – ровесник независимости страны.**



Деятельность в органах внутренних дел Ж. Умаров начал в 2019 году с должности помощника инспектора профилактики по охране общественного порядка в родной махалле Хужалар. Азам профессии его обучал инспектор профилактики лейтенант Шерзод Жумаев. О способностях молодого человека говорит тот факт, что годом позже Журабек успешно прошел профессиональный отбор и был назначен инспектором профилактики махалли Коракул.

Вот уже четыре года старший лейтенант Ж. Умаров несет ответственность за вверенный участок, где проживает более четырех тысяч человек. Держать руку на пульсе общественного спокойствия помогает тесный контакт с активом махалли, умелым опытом аксакалами, постоянный диалог с населением. Справедливость и объективность, умелое использование правовых норм и служебных полномочий позволяет инспектору урегулировать

конфликтные ситуации, другие нештатные ситуации.

Два десятка лиц, состоящих на профилактическом учете, – предмет особого внимания старшего лейтенанта. Беседы с ними проводит на основе индивидуального подхода. И все же без проблем не обходится. За минувший период нынешнего года совершено одно преступление, связанное с нанесением телесного повреждения. По данному факту были незамедлительно приняты меры. Лично инспектором профилактики выявлены два случая выращивания наркотикосодержащих растений. Старание инспектора отмечено – недавно Ж. Умарову объявлена благодарность начальника УВД области.

– Журабек личными и профессиональными качествами, принципиальностью обрел уважение среди жителей. Люди ему доверяют, – говорит председатель махалли Элбек Сирожов. – Работаем во взаимодействии, слаженно.

**Мирзокул АХАДОВ,**  
соб. корр.  
Бухарская область.

**ВЧЕРА**



Самарканд, 1967 г.

**СЕГОДНЯ**



## Mustaqillik tengdoshi



## OTAMNING TILLO O'GITI

Muddatli harbiy xizmatga ketish uchun tibbiy ko'rikdan o'tayotgan paytim edi. Har kuni qatna-qatnalardan charchab, otamga tanish-bilishi orqali ishimni hal qilishga yordam berishini so'radim. Ammo otam bu so'zimga parvo ham qilmay, «muammoyingni o'zing hal qilishga o'rgan, kap-katta bolasan», deb javob berdi.

O'shanda otamning go'yoki menga befarqligidan xafa bo'lganman, menga juda qattiq ta'sir qilgandi. Biroq hamma sinovlardan o'tib, muddatli harbiy xizmatni o'tab qaytgach, u menga qanchalik katta yaxshilik qilganini tushunib yetdim. Har bir narsaga o'z kuchim va mehnatim bilan erishishga tirishib yashadim. Mustaqil fikrlaydigan insonga aylandim.

Men tug'ilgan – 1991-yilda Vatanimiz mustaqilligi e'lon qilinib, O'zbekiston suveren davlat sifatida ilk atak-chechak qadamlarini tashladi. Bugun esa dunyoga bo'y cho'zmoqda. Muhimi, men ham ana shu davrda hurlik zamoni aqidalari bilan ulg'aydim va bugun mustaqil diyorning erkin fuqarosi, sadoqatli xizmatchisi sifatida Vatanimga xizmat qilyapman.

Ichki ishlar organlaridagi faoliyatimni 2017-yili Boysun tumani IIB Qo'riqlash bo'limi safdor xodimi sifatida boshlab, hozirda Qiziriq tumani IIBda kadrlar bilan ta'minlash guruhi katta inspektori lavozimida xizmat qilyapman. Xodimlarga, avvalo, o'zim o'rnak bo'lishga harakat qilib, kitobxonlik tanlovlarida, ko'pkurash musobaqalarida faol ishtirok etyapman.

Mustaqillik tufayli bugun ichki ishlar organlari xodimlari qulay sharoitlarda xizmat qilish imkoniga ega bo'ldi. Ayniqsa, ularga ko'rsatilayotgan ijtimoiy yordam davlatimiz tomonidan ko'rsatilayotgan chinakam g'amxo'rlik namunasidir.

Nafaqat yurtning sodiq xizmatchisi sifatida, balki bir o'g'il, bir qizning otasi sifatida ham tinch zamonda yashayotganimdan quvonaman. Men mustaqillik tengdoshi sifatida uning barcha imkoniyatlaridan bahramand bo'lib yashayotganimdan ko'nglimda cheksiz faxr tuyaman.

**Rustam ALIMOV,**  
kapitan.

Surxondaryo viloyati.

## VATAN DEB...

*Aytsam, nondek shirin so'z bor dunyoda,  
Aytsam, jondek shirin so'z bor dunyoda.  
Vatan deb, shivirlab aytib ko'ring siz,  
Vatan deb, ko'ngilga qaytib ko'ring siz.  
Chehrangiz balqiydi, quyosh bo'lasiz,  
Qalbingiz qalqiydi, ko'zyosh bo'lasiz.*

*Onajon, deganda entikkan dildek,  
Ozodsan, deganda yayragan quldek.  
Vatan, deb entikib, elanib ayting,  
Vatan, deb vafoga belanib ayting.  
Jon ichra yuz ochgan bir jon bo'lasiz,  
Siz yerga sig'magan osmon bo'lasiz.*

*Bolangiz quvonchi to'kilgan tuproq,  
Quyosh bir ko'rmasa o'kingan tuproq.  
Jannatday muqaddas chaman bo'ladi,  
Ayo do'st, u bizga Vatan bo'ladi.  
Vatan, deng ko'ngilning ko'zi ochilsin,  
Vatan, deng sog'inchning yuzi ochilsin.*

*Vatan alla bergan oromdek shirin,  
Vatan xalq ko'rsatgan ikromdek shirin.  
Vatan, deng Xudoga yukunib ayting,  
Asra deng, tiz cho'king, o'kinib ayting.  
Vatan, deb biz buyuk bir xalq bo'lamiz,  
Vatan, deb iymonda barhaq bo'lamiz.*



**Mahmud Toir,**  
O'zbekiston xalq shoiri.

## Halollikni shior qilgan xodimlar

### «TAKLIF» INOBATGA OLINMADI



Yoshligidan tayinli hunarning boshini tutmagan Salohiddin Ergashev (ism-sharifi o'zgartirildi) oilali, ikki farzandning otasi bo'lganida ham halol rizq topish o'rniga, haromni afzal bildi. Qilmish – qidirmish, deganlaridek, uning noqonuniy faoliyati ko'pga bormadi. Giyohvandlik vositalari oldi-sotdisi bilan shug'ullanayotgan Salohiddin jinoiy ishlaridan xabar topgan Yuqori Chirchiq tumani IIB xodimlari o'tkazilgan tezkor tadbirda uning yashash xonadonidan sotish uchun mo'ljallab qo'yilgan «zahri qotil»ni topishdi.

Ashyoviy dalil bilan qo'lga olingan S.Ergashev tuman IIB binosiga olib kelinib, tegishli hujjatlar rasmiylashtirilayotganida tezkor vakil, mayor Sarvar Asomovdan ishni ijobiy hal qilib berishini so'rab, bu-

ning evaziga 20 million so'm miqdorida pora taklif qiladi. Xodim esa pora berish jinoyat ekanligini aytib, uni bu yo'ldan qaytarmoqchi bo'ladi. Barcha muammolar pora orqali osongina hal bo'ladi, degan fikr bilan yashab kelgan gumonlanuvchi o'z so'zida turib oladi...

O'tkazilgan tezkor tadbir davomida S.Ergashev 1 ming 800 AQSH dollarini pora tariqasida berayotgan vaqtda qo'lga olindi.

Shu tariqa, osoyishtalik posbonining burchiga bo'lgan sadoqati tufayli pora berishdek jirkanch illatga qo'l urgan yana bir kimsaning qilmishi fosh bo'ldi.

**Dilshod HAKIMOV,**  
mayor.

Toshkent viloyati.





Орамиздаги одамлар

## ТАНИШИНГ: НАВОЙЛИК «ВАН ДАММ»!

**Ички ишлар органи ходими деганда кўз олдимизда бўй-баста келишган, жисмонан бақувват инсон гавдаланади. Лавҳамиз қахрамонига осойишталик посбонлари сафига қабул қилинишида айнан жисмонан кучлилиги ва бўйи новчалиги (193 см) ёрдам бергани рост.**

Рамазон Файзиев қарийб 28 йил ички ишлар органларида хизмат қилди. Ўрта махсус милиция мактабини сиртдан аёло баҳоларга яқунлагач, уни профилактика инспектори этиб тайинлашди. Ана шу лавозимда вилоятнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатди.

– 1982 йилда, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганидан сўнг вилоят ИИБга ҳужжат топширдим. Синов пайти жисмонан бақувватлигим, айниқса, бўйим баландлиги комиссия аъзоларининг эътиборини тортган. Шунинг учун бўлса керак, хизматга киришим қийин бўлмади. Дастлабки фаолиятимни навбатчилик қисмида ҳайдовчиликдан бошладим, – дейди истеъфодаги майор Рамазон Файзиев. – Ўша пайтлари бутун вилоятда энг бўйи узун ходим ўзим эдим. Бўйим узунлиги менга тоғаларимдан мерос. Онам ҳам баланд бўйли, суяги йирик аёл эди. Ҳамкасбларим менга «Ван Дамм» деб лақаб қўйишганди. Новчалигим хизматим давомида ҳуқуқбузарларни тартибга чақиришда, жиноятчи кимсаларни қўлга олишда нафи теккан пайтлар кўп бўлган.

Участка нозир бўлиб ишлаган кезларим тунда маст ҳолдаги фуқаронинг кўчада ётганини кўриб қолдим. Навбатчилик қисмига хабар бердим, аммо орадан бир соат ўтса ҳамки, уни олиб кетгани машина келавермади. Шундан кейин ҳалиги фуқарони шартта елкамга ортиб, бўлимга олиб борганман.

– Ўғлим Достон ҳам ички ишлар органларида хизмат қилади, – дейди қахрамонимиз. – У ҳам менга тортган – бўйи 185 см. Аммо новчаларга ҳам ҳаётда осонмас. 2009 йили «Тико» русумли автомашинам бўларди. Тўғриси, уни бошқаришим бироз кулгили эди. Бошим машина томига, тиззаларим рулга тегиб турарди. Яна бир қийналадиган жойим 45-ўлчамли пойабзал кияман. Баъзида дўконларда ўзимга мос туфли тополмасам, косибларга буюртма қиламан.

Қахрамонимиз айна пайтда тўрт қиз ва бир ўғилнинг отаси, бир этак набираларнинг меҳрибон бобоси. Ҳозир бўйи хиёл пасайган бўлса, куч-қувватдан нолимайди, бирийўла тўрт набирасини бемалол опичлай олади.

**Маҳлиё ХОЛОВА,  
ўз мухбиримиз.**

*Навоий вилояти.*



## ФАРҒОНАНИНГ НОВЧА ПОСБОНИ



**Фарғоналик патруль-пост хизмати ходими, сафдор Шерзод Сирождидинов ўзининг баланд бўйи билан оммага яхши таниш. Нафақат вилоят, балки республикадаги ҳамкасблари орасида ҳам энг баланд бўйлиси ва оғир вазнлиси саналган ходимга кўпчиликти қизиқтирган саволлар билан юзландик.**

– Шерзод, аввало, оилангиз ҳақида гапириб берсангиз. Оила аъзоларингиз ҳам сиз каби бўйдорми?

– Мен 1981 йил Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Ўқчи қишлоғида туғилганман. Оилада тўрт фарзанднинг тўнғичиман. Отам Шаҳиддин Сирождидинов ҳам баланд бўйли инсон. Укаларим ҳам новчадан келган. Лекин уларнинг орасида мен энг баландиман. Бўйим 2 метру 20 сантиметр, вазним эса 146 килограмм.

Хуллас, бўйдорлик авлодимизда бор. Ота-онаминг айтишича, туғилганимда нақ 5 ярим кило тош босган эканман.

– Ички ишлар органларига ишга киришингиз билан боғлиқ воқеа қандай содир бўлган эди?

– 2006 йил эди. Қишлоқда деҳқончилик қилиш билан бирга, ички ишлар органлари ходимларига кўнгилли сифатида ёрдам бериб юрардим. Ўша пайтда вилоят ИИБ бошлиғи бўлган генерал-лейтенант Турсинхан Худайбергенов Ўзбекистон тумани ИИБ биноси ёнида тасодифан кўриб қолиб, мени ёнига чақирди. У киши тўсатдан «Ички ишлар органларида ишлашни истайсанми?», дея сўради. «Шундай имконият бўлса, албатта ишлардим», деб жавоб бердим. Шу учрашув ички ишлар органларига ишга киришимга сабаб бўлди. Бошида олти ой Қўқон шаҳрида йўл-патруль хизматида инспектор бўлиб ишладим. Кейин вилоят ИИБ ППХ батальонида хизматни давом эттирдим.

– Оилангиз ҳақида икки оғиз...

– 2008 йилда оила қурганман. Турмуш ўртоғим уй бекаси. Бир

ўғлим бор, у 12 ёшда. Бўйи тенгдошларига қараганда анча баланд. Менга тортяпти, шекилли. Бокс билан шуғулланади.

– Кийим-бош ва пойабзал сотиб олишда қийналсангиз керак-а?

– Тўғри айтасиз (кулади). Ўлчамимдаги уст-бош, мен киядиган 52 ўлчамдаги пойабзал бозордан топилмайди. Шу сабабли оёқ кийимини ҳам, уст-бошни ҳам буюртма қилишга мажбурман.

– Овқатланиш рационингиз ва бир кунда қанча овқат истеъмом қиласиз?

– Одатда овқат танламайман. Лекин бошқаларга қараганда бироз кўпроқ ейишим аниқ. Суюқ овқатни бир эмас, икки коса ичман. Қуюқ овқатларни ҳам шерикларимдан кўра кўпроқ ейман. Агар иштахам яхши бўлса, бир ўзим бир лаган ошни ейман.

– Кўчада жамоат тартибини бузувчилар сизни кўрганда ҳушёр тортиб қолса керак...

– Фарғона шаҳрининг энг гавжум Қирғули мавзесида хизмат олиб бораман. Кўча-кўйда турли тоифадаги одамларни, жиноятчи ва ҳуқуқбузарларни ҳам учратамиз. Баъзан спиртли ичимлик ичиб олган, жанжал кўтараётган, муштлашаётган шахсларга рўбарў келамиз. Шундай пайтда улар мени кўриб оқ попуги пасайиб қолади.

**Ўз мухбиримиз  
Абдувосит СИДИҚОВ  
суҳбатлашди.**

*Фарғона вилояти.*





Аспект профилактики

## ПРОБЛЕМЫ РЕШАЕТ «ПЯТЕРКА»

– Территория нашего района на протяжении 162 километров граничит с соседним Кыргызстаном. 9 махаллинских сходов граждан находятся в приграничной зоне, – говорит начальник ОПП СОБ ОВД Кургантепинского района капитан Азизбек Ахмедов. – Каждый инспектор профилактики на вверенном участке в составе махаллинской «пятерки» работает на упреждение.



С начала текущего года с участием инспекторов профилактики по горячим следам раскрыто шесть преступлений, в числе которых незаконный оборот наркотиков, кража, мошенничество.

Благодаря профилактике во многих махаллях не совершено ни одного преступления.

Ярким примером тому участок, обслуживаемый старшим инспектором профилактики капитаном Косимжоном Мамировым. В махалле Устоз лучшие

показатели по предупреждению правонарушений и преступлений, налажена системная работа с молодежью и несовершеннолетними.

– После окончания Академии МВД служил оперуполномоченным отделения уголовного розыска в Мархаматском РОВД, – рассказывает капитан К. Мамиров. – В прошлом году был направлен в Кургантепинский РОВД. Опыт, приобретенный в уголовном розыске, помогает в каждодневной службе. В моем

подчинении пять инспекторов профилактики – старшие лейтенанты Дилёр Рахмонов и Афзал Анваров, лейтенанты Элдор Фозилов, Алишер Нодирбеков и Алишер Тургунов.

У себя на участке работаю в тесном контакте с председателем махаллинского схода граждан Адхамжоном Хошимовым, помощником хокима Акрамжоном Камаловым, активисткой по вопросам женщин Маликой Азимовой, лидером молодежи Марибжоном Халимжоновым. Наша «пятерка» в состоянии решать многие вопросы, в том числе связанные с трудоустройством махаллинцев, получением ими льготных кредитов для развития бизнеса, оказанием материальной помощи малоимущим и инвалидам, поддержкой молодежи и женщин. «Пятерка» в курсе всего, чем живет махалля. Такая осведомленность помогает без проволочек разрешать проблемы, волнующие жителей.

**Борис КЛЕЙМАН,**  
соб. корр.

*На снимке: старший инспектор профилактики Кургантепинского РОВД капитан К. Мамиров с жителем махалли А. Мамадалиевым.*

■ г. Ташкент

**Сотрудники органов внутренних дел принимают непосредственное участие в благотворительных мероприятиях, оказывая помощь социально уязвимым слоям населения.**

На днях представители ОВД № 4 УКД ОВД Янгихаётского района в очередной раз навестили Наргизу Машарипову. Ранее женщине-инвалиду было оказано содействие во внесении ее в «женскую тетрадь», в выделении средств на лечение.

Женщина выразила признательность стражам порядка за внимание, за праздничный подарок, пожелала успехов в службе.

– Цель – поддержать тех, кто нуждается в помощи. В ходе таких встреч граждане озвучивают проблемы. Совместно с ответственными организациями принимаем меры к их разрешению, – делится начальник подразделения капитан Бекмурод Исмаатов.

Соб. корр.



Мы против коррупции!

## АКТ СПРАВЕДЛИВОСТИ



**После застолья в кругу друзей, Амирхан Эсонкулов (имена и фамилии фигурантов дела изменены) возвращался домой навеселе. Увидев стоявшего на улице Фарруха, решил поговорить, «излить душу».**

Видя, что сосед порывается уйти, Амирхан рассердился. «Нет! Ты должен меня выслушать!», – громко повторял он. Поднялся шум, на который сбегались люди. Пьяного сопроводили домой.

На этом А. Эсонкулов не успокоился. Через некоторое время решил «навестить» Фарруха, однако не застал его.

Фаррух, вернувшись домой, узнал, что приходил «гость», желал «разобраться». Осознавая, что Амирхан просто так не отстанет, обратился в органы внутренних дел с просьбой принять меры...

Амирхан не сделал правильных выводов из того, что к нему согласно заявлению Фарруха для разъяснительной беседы приходил старший инспектор профилактики ОПП СОБ ОВД Кунградского района майор Тимур Бекмуратов. Вместо того, чтобы извиниться, вновь заявился к соседу, сказал, что обязательно «проучит его».

Узнав об угрозе, которая может перерасти в крупную неприятность, инспектор профилактики составил административный протокол в отношении А. Эсонкулова. Тот, в свою очередь, стал предлагать взятку, прося не направлять дело в суд.

В ходе специального мероприятия гражданин задержан при попытке дать взятку стражу правопорядка. Зарвавшемуся наглецу судом вынесено справедливое наказание.

– Дача взятки должностному лицу – противоправное деяние, за которое законом предусмотрена ответственность. Однако некоторые граждане все же пытаются решать вопросы «денежным путем». Они осознанно идут на неверный шаг, который неминуемо ведет к наказанию. Мы – сотрудники органов внутренних дел ведем непримиримую борьбу с любыми коррупционными проявлениями, оставаясь верными профессиональному и служебному долгу, – говорит майор Тимур Бекмуратов.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**  
соб. корр.

Республика Каракалпакстан.

**Мустақиллик тенгдоши****ВАТАН ХИЗМАТИДА СОБИТҚАДАММАН!**

Мен озод юрт фарзандиман. Негаки, ота-боболарим орзу қилган хур диёрда туғилиб, мустақиллик тенгдоши сифатида вояга етдим. Ўқувчилик давримдаёқ, биринчи устозим – Ҳамдам Хушвақтовдан миллий кураш сирларидан сабоқ ола бошладим. Кейинчалик, 2002 йилдан бошлаб спорт мактабида дзюдо билан ҳам шуғулландим. Миллий кураш ва дзюдо бўйича вилоят миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, бир неча бор ғолибликни қўлга киритдим.

2007–2010 йилларда Қарши Олимпия захиралари спорт коллежида таҳсил олдим. Бу ердаги узлуксиз машғулотлар, мусобақаларга тайёргарлик ўз натижасини берди. 2010 йили дзюдо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақада мамлакат чемпиони бўлдим. Кейинроқ «Универсиада» мусобақаларида дзюдо бўйича, Грецияда ўтказилган халқаро турнирда миллий кураш бўйича мутлақ ғолиб деб топилдим.

Ички ишлар органларидаги хизмат фаолиятимни 2017 йилда Қарши шаҳар ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармасида бошладим. Воҳа ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ўртасида ўтказилган дзюдо, миллий кураш, самбо ва жанговар самбо мусобақаларида зафар кучдим.

2018 йилда вилоят ИИБ ТВБСО катта мутахассиси вазифасига хизматга ўтгач, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ўртасидаги мусобақаларда ҳам ғолиб бўлиб, республика ички ишлар органлари терма жамоаси аъзолигига қабул қилиндим. Терма жамоа аъзоси сифатида бир неча халқаро турнирда совриндорлар сифидан жой олдим. Бундан қалбим чексиз фахр ва ғурурга тўлди.

Мустақиллик тенгдоши сифатида истиклолни асраб-авайлашга, юрт тинчлигига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман. Ватан хизматида собитқадамман!

**Рустам САИДОВ,**  
Қашқадарё вилояти ИИБ ТВБСО 1-ғуруҳ командири, лейтенант.

**Худудларда****«ЙЎЛ ХАРИТАСИ» АСОСИДА**

Жиззах вилоятида «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида ўтказилган кенг кўламли профилактик тадбирлар жараёнида асосий эътибор «қизил» тоифадаги маҳаллаларга қаратилмоқда.

Жумладан, Шароф Рашидов туманининг «Раваллиқ» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ички ишлар органларининг жиноят қидирув ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ходимлари маҳалла бешликлари билан ҳамкорликда уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрмоқдалар.

Жорий йилнинг ўтган даврида 7 минг 663 нафар фуқаро истиқомат қиладиган мазкур маҳаллада 4 та жиноят содир этилган бўлиб, 3 таси оилавий низолар билан боғлиқ. Шу боис худудда аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалардаги келишмовчиликларни бартараф этиш, тазйиқ ва зўравонликка учраганларга ҳимоя ордерлари бериш, ҳуқуқий ва психологик кўмак кўрсатиш, кўчаларга



кузатув камералари, ёриткичлар, йўл белгилари ўрнатиш чоралари кўриляётир.

«Йўл харитаси» асосида 162 киши ишга жойлаштирилди. Бу тадбир маҳалладаги 70 нафар аёл ва ёшни жами 1 миллиард 750 миллион миқдорида субсидия ва кредитлар билан таъминлаш, 40 кишига 15 сотихдан 30 сотихгача ер май-

дони ажратиш йўли билан амалга оширилди. Бундан ташқари, 16 нафар йигит-қизга олий ўқув юрти контракт тўловларининг тўла-ниши ёки молиявий кўмак кўрсатиш йўли билан ёрдам берилди. Яна 2 нафар ёшнинг даволаниш харажатлари қопланди.


Қолаверса, ички ишлар органларининг бевосита ҳамкорлигида

маҳалла аҳли, хусусан, ёшлар ўртасида киберспорт, минифутбол, енгил атлетика мусобақалари, китобхонлик кўрик-танловлари ва рақс фестивали уюштирилди. Кибержиноятлар ва фирибгарликлардан сақланиш, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот тадбирлари ҳам мунтазам ташкил этилмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. «Йўл харитаси»га мувофиқ, жорий йил охиригача ишсиз юрган фуқаролардан 20 нафарини бандлигини таъминлаш, ёшларни ёт гоёлар таъсиридан ҳимоялаш мақсадида тадбирлар ўтказиш, ўқув муассасаларида давоматни назорат қилиш, аҳоли ўртасида қутлуғ саналар муносабати билан спорт мусобақалари, кўрик-танловлар уюштириш кўзда тутилган.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
ўз мухбиримиз.

Жиззах вилояти.

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РАҚАМЛАРДА****2017 йил**

Дунё спорт гимнастикасининг тирик афсонаси, Олимпия ўйинларининг етти карра иштирокчиси, «Барселона-1992» Олимпия ўйинлари ғолиби Оксана Чусовитина Халқаро гимнастика шон-шараф залидан ўрин олди.

АҚШда жойлашган Халқаро гимнастика шон-шараф залига бунга қадар жами 22 та мамлакатдан 91 нафар спортчи киритилган бўлиб, ҳамюртимиздан ташқари бошқа барча спортчилар фаолиятини яқунлаганидан сўнг бундай юксак эътирофга сазовор бўлишган.



✓ *Ижтимоий ҳимоя*

## ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

**М**амлакатимиз тинчлиги ва ҳамюртларимиз осойишталигини сақлашда ички ишлар органлари ходимларининг муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш хизмат самарадорлигини ошириши шубҳасиз. Шу боисдан Навоий вилояти ИИБнинг ҳамкасбларига ҳар жиҳатдан намуна бўлаётган 18 нафар ходими ва ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД вилоят ҳудудидаги жазони ижро этиш колонияларининг 15 нафар ходимига ипотека кредити асосида тураржой сотиб олиши учун дастлабки бадал пуллари тўлаб берилди.

– Камтарона хизматларимиз юксак баҳоланиб, барча қулайликларга эга янги хонадон соҳи-

би бўлганимиздан бахтиёрман, – дейди вилоят ИИБ Ахборот хизмати катта мутахассиси, катта сержант Умрзоқ Муҳаммадиев. – Ҳозиргача 15 йиллик фаолиятим давомида турли жойларда ижарада яшадим. Шукрки, бугун барча қийинчиликлар ортда қолиб, фэйзли хонадон эгасига айландим. Бундай ғамхўрликка жавобан Ватанимга, халқимга янада фидойилик билан хизмат қилишга ваъда бераман.

Истиқлол шодиёнасини янги хонадонларда нишонлаш насиб этган осойишталик посбонларига «Байрам муборак! Янги уйлар муборак!» деймиз.

**Махлиё ХОЛОВА,**  
ўз мухбиримиз.

*Навоий вилояти.*



✓ *Тошкент шаҳри*

## МАСЪУЛИЯТ ЯНАДА ОРТАДИ

**Ҳар кун эрталаб ишга отланар эканмиз, кунлик режаларимизни тузиб, манзилга етиб борганимизни ҳам сезмай қоламиз. Аслида ушбу хотиржамлик замирида ички ишлар органлари ходимларининг заҳматли хизмати борлигини, уларнинг туну кун юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифани виждонан адо этаётгани ўз аксини топаётганлигини ҳар доим ҳам ҳис қилавермаймиз.**



*ППХ 1-отряд ҳайдовчи ходими, сафдор Суннатилла Ўлмасов.*

**У**чтепа тумани ИИОФМБ ЖТСБ ППХ 1-отрядида ана шундай залворли вазифани зиммасига олган осойишталик посбонлари фидойилик билан хизмат қилиб келмоқда. Уларнинг аксарияти ёш ходимлар экани жамоада ғайрат-шижоат ва тинимсиз изланиш бардавомлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Соҳавий хизмат ходимлари томонидан ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг дастлабки 7 ойида 6282 нафар шахс маъмурий

ҳуқуқбузарлик содир этгани, 350 нафарининг иш ва яшаш жойи ноаниқ бўлгани аниқланди. Бундан ташқари, майда безорилик учун 493 нафар, жамоат жойида спиртли ичимлик ичгани учун 1592 нафар, ички ишлар органи ходимининг қонуний талабини бажармагани учун 642 нафар шахсга тегишли чоралар кўрилди.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, ППХ ходимлари жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан ташқари, қидирувдаги шахсларни аниқлашда ҳам жасорат намуналарини кўрсатяпти. Масалан, ўтган вақт мобайнида улар томонидан 57 нафар қидирувдаги шахс аниқланиб, ушланди.

– Айни кунларда юртдошларимиздаги байрамона кайфиятни кўриб, гўзал ва бетакрор Ватанимиз осойишталигини таъминлашга масъул эканимиздан қалбимизда фахр-ифтихор туйғуси жўш уради, – дейди туман ИИОФМБ ЖТСБ бошлиғи, подполковник Бахтиёр Мисиров. – Мақсадимиз, олиб бораётган саъй-ҳаракатларимиз халқимизнинг улуғ айёмни муносиб, тинч ва хотиржамликда нишонлашига қаратилган.

Дарҳақиқат, Учтепа тумани пойтахтимизнинг аҳолиси гавжум ҳудудларидан саналади. Тумандаги йирик бозор, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, шунингдек, дам олиш масканлари одамлар билан гавжум. Байрам кунлари пойтахтимизга турли вилоятлардан меҳмонлар ҳам ташриф буюради. Шу боис осойишталик посбонлари зиммасидаги масъулият янада ортади.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**  
ўз мухбиримиз.



*ППХ 1-отряд сафдор ходими, кичик сержант Гўзал Саидова.*

**Ветераны всегда в строю**

## УВАЖЕНИЕ, ОБРЕТЕННОЕ ДОБРОСОВЕСТНОЙ СЛУЖБОЙ



**Майор в отставке Абдулла Жураев около трех десятков лет жизни посвятил делу служения народу, укрепления правопорядка.**

ного управления безопасности дорожного движения МВД полковник в отставке Гайратжон Болтабоев, члены Совета ветеранов УВД Ферганской области, активисты фонда «Нуроний». Они вручили ветерану нагрудный знак «Ўзбекистон ИИВ фахрийси».

– Абдулла ака человек исключительного благородства, – говорит подполковник в отставке Абдувахоб Мирзакулов. – В первые годы независимости мы служили с ним плечом к плечу. Его отличали требовательность и одновременно отеческая забота по отношению к

подчиненным. Когда речь заходит о преданности профессии, всегда привожу в пример Абдулла Жураева.

Стоит ли говорить, как тронуло и взволновало ветерана подобное внимание?! Слова искренней признательности прозвучали в адрес руководства МВД, ответственных сотрудников УВД, ветеранских организаций.

**Абдувосит СИДИКОВ,**  
соб. корр.

Ферганская область.

В 1977 году Абдулла Жураев был принят в органы внутренних дел инспектором ДПС. Проявляя целеустремленность, ответственность, служил старшим инспектором, начальником отделения ОБДД ОВД Киргулийского района. Осуществлял деятельность в должности заместителя начальника по службе РОВД. На заслуженный отдых вышел в 2005 году.

Вместе с супругой Саодатхон Абдулла ота вырастил и воспитал достойными гражданами двоих детей. Живущий в окружении близких в почете и уважении ветеран не устает наставлять молодежь ценить мир и спокойствие, царящие в стране.

Недавно в дом Абдуллы Жураева нагрянули нежданные, но желанные гости. Проведать его пришли председатель Совета ветеранов Глав-

**Молодежь – наше будущее**

## «БЫЛО НЕПРОСТО, НО...»

**Старший лейтенант Фарида Эркаева – инспектор по вопросам женщин ОВД Пастдаргомского района Самаркандской области.**

– Службу в органах внутренних дел начала 2 года назад в Кошрабадском районе. Было непросто, не всегда знала, каким образом вывести женщин, у которых куча проблем, на конструктивный диалог, – признается героиня очерка. – Но наставник капитан Гулом Махмудов всегда помогал, поддерживал, давал советы, как поступить в той или иной ситуации. Я ему очень благодарна за опыт и знания, которыми он щедро делится и по сей день.

В настоящее время служу в Пастдаргомском районе. Общее количество проживающих здесь женщин превышает 287 тысяч. Немало среди них тех, кто стремится устроить свою жизнь в городе. Однако не



всегда задуманное воплощается в реальность...

По словам инспектора, к ней нередко обращаются родители, просят найти уехавшую из дома дочь. Начинается поиск, в подавляющем большинстве случаев успешный.

Затем с девушками проводятся беседы, им оказывается содействие в трудоустройстве.

Особое внимание старший лейтенант уделяет неблагополучным семьям. Женщины из таких семей больше всего нуждаются в защите

от притеснения и бытового насилия. С начала года оформлено около ста охранных ордеров подвергшимся притеснению и насилию, одна женщина размещена в реабилитационном центре. Системная деятельность осуществляется с женщинами, оказавшимися в сложной жизненной ситуации. Во взаимодействии с уполномоченными органами им предоставляются социальная, психологическая, медицинская помощь, юридические консультации.

На вопрос: «Как вы воспринимаете себя в такой сложной профессии?», Ф. Эркаева ответила лаконично: «Люблю свою работу, потому что осознаю ее значимость».

Редкое свободное время Фарида посвящает чтению книг и спорту – легкой атлетике. Она успешно выступает в смотрах-конкурсах, проводимых среди сотрудниц органов внутренних дел.

**Замира БАЛТАЕВА,**  
соб. корр.

Самаркандская область.



Ma'naviyat va ma'rifat darsi

# TA'LIMGA YO'NALTIRILGAN SARMOYA – ENG SAMARALI INVESTITSIYA

Dunyodagi eng rivojlangan mamlakatlar ham hozirgi darajagacha yetib kelishida ta'lim tizimiga yuksak tarzda e'tibor qaratganligi asosiy omil bo'lgan. Xorijda ko'proq boshlang'ich ta'limga sarmoya kiritilganda, samaraga erishilgan. Sababi, aholini kambag'allikdan chiqarishning eng to'g'ri va uzoq mudatga mo'ljallangan samarali yo'llaridan biri boshlang'ich va o'rta ta'limga ko'proq investitsiya kiritishdir.

Shu ma'noda, O'zbekistonda ham inson kapitaliga, ta'limga qarati- layotgan e'tibor ilk natijalarini ko'rsa- ta boshladi. Birgina misol, bolalarni maktabgacha ta'lim bilan qamrab olish darajasi 27 foizdan 70 foizga oshdi. Oliy ta'limda esa qamrov 9 foizdan qariyb 40 foizga yetyapti.

Mutaxassislarning fikricha, ta'lim- ga kiritilgan investitsiya birdaniga samara bermaydi. Kamida 5–10 yil kutish lozim. Bu borada tahliliy ma'lumotlarga tayanilsa, shubhasiz, maqsadga muvofiq bo'ladi. Ya'ni bugun O'zbekistonning rivojlangan- lik darajasiga qarab ta'limning qaysi bo'g'iniga sarmoya yo'naltirilishi lozimligi aniqlashtirilsa, mablag' sa- marali sarflanadi.

Ma'lumki, maktabgacha hamda maktab ta'limi tizimini izchil rivojlan- tirish maqsadida, ma'muriy islohotlar doirasida Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi tashkil etildi. Ayni damda tizimni tarkibiy maqbullashti- rish, zamonaviy dasturlarni joriy qilish, xodimlarni rag'batlantirishni keskin oshirish choralari ko'rilmogda. Jumladan, boshlang'ich sinflarda xo- rijiy tajriba asosida yangi o'quv das- turi joriy qilinishi kutilmogda. Yuqori sinflarda o'qitiladigan fanlar 16 tadan 11 taga kamaytirilib, dasturlarning fanlararo va sinflararo integratsiyasi ta'minlanadi. Yuqori sinfdagilarga fanlar borasida tanlov tatbiq etiladi. Yangi o'quv yilidan informatika fani birinchi sinfdan o'rgatiladi. Maktab- lardagi eng dolzarb muammolardan biri o'tiladigan mavzularning 70 foizi kundalik hayot bilan bog'lanma- ganligi edi. Endi fanlarning amaliy mashg'ulotlar ulushi 40 foizdan 60 foizgacha oshiriladi.

Yana bir muhim faktga e'tibor qa- ratsak, endilikda xususiy maktablarni tashkil qilishda qo'yilgan talablar yengillashtirilishi kutilmogda. Bunday

qulay muhit paydo bo'lsa, tadbirkor- lar pul tikib, kuchli mutaxassislarni yollab, xususiy maktablarni ochishiga imkoniyat kengayadi. Bundan biznes- menlar ham, O'zbekiston kelajagi



bo'lmish yoshlar ham yutadi. Eng e'tiborlisi, bu mamlakat rivoji, ertasi uchun juda ahamiyatlidir.

Bitiruvchilarning bilim samara- dorligi o'tgan yilga nisbatan yax-

tomondan berilayotgan e'tibor oz bo'lsa-da, se- zilmogda. O'sish bor. Tizimdagilar ishlashni eplolmayapti deb ham ayta olmaymiz. Biroq hali anchayin jiddiy ishlar qili- nishi zarur.

Ta'lim-tarbiya tizimi haqida gapirganda, Ab- dulla Avloniy bobomizning dono fikrlarini takror va takror aytishga to'g'ri keladi: ta'lim-tarbiya biz



hamda 21 mingdan ortiq nodav- lat muassasa ochilishi hisobiga 1 million 200 ming o'rin yaratilgan. Joylarda o'tkazilgan ochiq mulo- qotlarda aholi bog'chalarni yana- da ko'paytirish istagini bildirgan. Shunga asosan, Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi tomonidan maktabgacha ta'lim jarayonini yangi tartibda tashkil etish bo'yicha tak- liflar ishlab chiqilgan. Bundan tash- qari, joriy yilda shaxsan davlatimiz rahbarining o'zi mutasaddilarga maktabgacha ta'lim qamrovini ken- gaytirish bo'yicha besh yillik dastur ishlab chiqish vazifasini qo'ydi.

Xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish, pullik xizmatlar ko'lamini kengaytirish va boshqa budjetdan tashqari mablag'lar hisobiga oliy ta'lim muassasalarida texnopark, forsayt, texnologiyalar transferi, startap, akselerator markazlari tash- kil etilmogda. Ularni tegishli tarmoq, soha va hududlarning ijtimoiy-iqti- sodiy rivojlanishini tadqiq qiluvchi, prognozlashtiruvchi ilmiy-amaliy muassasalar darajasiga olib chiqish jarayonlari ketmogda.

Prezidentning 2022-yil 18-iyulda- gi tegishli qaroriga ko'ra, to'lov-kon- traktida o'qiyotgan xotin-qizlarga foizsiz ta'lim krediti berish tizimi joriy etildi. Bu ham katta sarmoya, imkoniyat deyish mumkin. Shu orqali OTMlarga xotin-qizlarning ko'proq jalb qilinishiga erishiladi. Ya'ni, ular faqat uy-ro'zg'or ishlari hamda bola tarbiyasigina o'zlarining vazifasi de- yishdan yiroqlashadi, kerak bo'lsa rahbar, yetakchi ayol bo'lishga intila- di. Shu orqali ziyoli insonlar ko'paya- di. Bundan butun mamlakat yutadi.

Unutmaylikki, taraqqiyotning tamal toshi ham, mamlakatni qudratli, millatni buyuk qiladigan kuch ham ilm-fan, ta'lim va tarbiyadir. Soha- ga qancha ko'p investitsiyalar jalb qilinib, e'tibor kuchaytirilaversa, bu, albatta, o'z natijasini bermasdan qolmaydi.

Abror POYONOV,  
o'z muxbirimiz.

## Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Bilim va malakalarni baholash agentligi tomonidan taqdim etilgan ma'lumotlarga ko'ra,

2023-yilda kirish imtihonlarida ishtirok etgan jami **888511 nafar** abituriyentning **303560 nafari** (31,5 foizi) umumta'lim maktablari- ning joriy o'quv yilgi bitiruvchilaridir. Ularning 95 497 nafari (25 foizi) test sinovlaridan muvaffaqiyatli o'tib, mahalliy OTMlar talabasi bo'lgan. Bu 2021-yilga nisbatan **14019 nafar**ga, 2022-yilga nisbatan esa **9628 nafar**ga ko'p. Shuningdek, ular joriy yilda davlat granti uchun ajratilgan **34930 ta** o'rinning 77 foizi (**26884 nafar**) ni egallagan.

shilangan. Statistika ijobiy tomonga yaxshilanganidan sezish mumkinki, kiritilayotgan sarmoyalar, moliyaviy

fondini tayyorlashda, avvalo, maktab- gacha ta'lim tizimining o'rni beqiyos. Shuning uchun ham ushbu tizimni qayta ko'rib chiqish masalasi davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Sohani takomillashtirish sari ilk qadamlar tashlanmogda. Xususan, bog'chalarga malakali tarbiyachilarni jalb qilish uchun 2024-yil 1-iyundan ularning ish haqi stavkalari maktab o'qituvchila- rinikiga tenglashtiriladi hamda soha rivoji uchun yo'naltiriladigan sarmoya keskin oshiriladi.

Ma'lumot o'rnida: bugungi kun- da mamlakatimizda 30 mingga yaqin maktabgacha ta'lim tashkilotida 2 milliondan ziyod o'g'il-qiz tar- biyalanmogda. So'nggi besh yilda 422 ta davlat bog'chasi qurilishi





Инсон қадри учун

## МАҲКУМЛАРГА КАСБ-ҲУНАР ЎРГАТИЛМОҚДА

Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб, эндиликда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш пенитенциар тизим ходимларининг муҳим вазифаларидан саналади. Бу борада ИИБ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудудига қарашли Тошкент вилоятида жойлашган 7-сонли жазони ижро этиш колониясида амалга оширилаётган ишлар хусусида мазкур муассаса бошлиғи, полковник Шарофиддин Усмонов билан суҳбатлашдик.

– Суҳбатимиз аввалида ўзингиз раҳбарлик қилаётган жазони ижро этиш муассасида маҳкумлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар тўғрисида тўхталсангиз.

– Маҳкумлар билан ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳафтанинг белгиланган кунлари «Янги Ўзбекистон», «Ижтимоий ислохотлар», «Иқтисодий

ислохотлар», «Тадбиркорлик куни», «Аграр ислохотлар», «Аҳоли саломатлиги куни», «Маънавий, маърифий ва маданий» мавзуларида тадбирлар ташкил этиляпти. Шунингдек, маҳкумлар ўртасида китобхонлик кечалари, «Заковат» интеллектуал ўйини ва спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

– Маҳкумлар бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш борасида қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

– Маҳкумларнинг 80 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш корхонасига фойдали меҳнатга жалб қилинган. Улар орасида 30 ёшгача бўлган, касб-ҳунар ва мутахассисликка эга бўлмаганларга касб-ҳунар ўргатилмоқда. Бундан ташқари, тикувчилик, мебел-созлик, дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги ва чилангарлик йўналишларига ёш маҳкумлар ишлаб чиқариш ҳудудининг ўзида ўқитиляпти.

– Маҳкумларга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

– Маҳкумларни кўриш учун келган яқинлари ва қариндошлари билан дий-

дорлашуви учун колонияда барча қулайликларга эга 16 та учрашув хонаси мавжуд. Муассаса кутубхонасидан 9 минг 766 та адабиёт жой олган. Маҳкумлар билан ҳафтанинг ҳар якшанба куни китобхонлик кечалари ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, маҳкумларга психологик ёрдам кўрсатиш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга ошириляпти. Ҳар чоракда психолог мутахассисларни жалб этган ҳолда тренинг машғулоти ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йил бошидан ҳозирга қадар, колонияда жазо муддатини ўтаётган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган ҳамда ички тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилган 464 нафар маҳкум нисбатан инсонпарварлик далолатномалари қўлланган ҳолда улар манзил колониясига ўтказилди. 98 нафар маҳкумнинг жазоси енгилроғига алмаштирилди, 45 нафар маҳкум эса муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди.

Ўз мухбиримиз  
Михли САФАРОВ  
суҳбатлашди.



Суратда: колония бошлиғи, полковник Шарофиддин Усмонов (чапдан) маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Одил Эргашев билан.



Фидойи ходимлар

## «БЕШ БЎЙНОҚ»ДА ИШЛАР БЕШМИ?

Андижон тумани ИИБ профилактика инспектори, капитан Иқболжон Темиров «Беш бўйноқ» маҳалласида 2019 йилдан буён хизмат олиб боради. Сўнги уч йилда ушбу ҳудудда бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Хўш, бундай муваффақиятнинг сирини нимада?

– Ҳеч қандай сир йўқ, – дейди капитан И. Темиров. – Шунчаки маҳалла бешлиги аъзолари биргаликдаги фаолиятимизни самарали йўлга қўйиб олдик. Маҳалла ҳудудини шартли равишда бешта секторга бўлиб, профилактика ишларини олиб боряпмиз, аҳоли билан суҳбатлашиб, уларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Набижон Қўлдошев, ҳоким ёрдамчиси Ҳаётбек Мамажонов, ёшлар етакчиси Козимжон Тожиддинов, хотин-қизлар фаоли Одинахон Қодирова билан яқин ҳамкорликда ишлаяпмиз.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имкони мавжуд. Бунинг учун жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда тизимлилик, ҳар бир оиладаги аҳволдан хабардор бўлиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Буни ҳар доим инобатга оламиз.

Яқинда вилоят ҳокими Андижон, Избоскан ва Пахтаобод туманлари профилактика инспекторлари билан йиғилиш ўтказди. Унда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида олиб борилаётган профилактика ишлари самардорлиги ҳақида сўз юри-



тилди. Очиқ мулоқот чоғида лавҳамиз қаҳрамониға сўз берилганида, жиноятчиликка қарши курашишга қаратилган ишлари бўйича бир қанча жўяли таклифлар билдирди. Табиийки, техник жиҳозлаш, ҳудудларда видеокузатув камерала-

рини ўрнатиш, замонавий компьютерлар билан таъминлаш қонунбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Лекин асосийси – аҳоли билан яқин мулоқотда бўлиш, уларнинг муаммоларини билиш, «заиф» ҳудудларда

ишни кучайтириш. Чунки инсон омили ҳали бекор қилингани йўқ. Капитан И. Темиров ана шу жиҳатларга тўхталди.

Борис КЛЕЙМАН,  
Ўз мухбиримиз.

Андижон вилояти.



★ Дил изҳори

## УЧ ЭГИЗАК ҚАНОТЛАРИМ



**Б**олалик онгу шууримизга муҳрланиб қолган сентябрь ойи мактабларда янги ўқув йили бошлангани боисми, йил бошига ҳам ўхшаб туюлади одамга. Яна халқимиз ҳаётидаги энг муҳим сана ушбу ойнинг биринчи кунига тўғри келгани учун мустақиллик билан боғлиқ ажойиб хотиралар хаёлда қайта жонланади. Миллатимиз озодлиги, ҳурлиги санаси кишига янги куч, шижоат бағишлаб турадигандек.

Ички ишлар органлари сафида хизмат қилаётганимдан фахр-ифтихорга тўлсам, 3 эгизак фарзандим – Ҳасанали, Ҳусанали ва Хурсандалининг бу йил 2-синфга бораётгани, уч ўғлоннинг ички ишлар органи ходими бўлишга аҳд қилганидан янада қувонаман.

Отам, истеъфодаги капитан Баҳодир Тожибоев узоқ йиллар тизимда фаолият олиб бориб,

ҳозир кексалик гаштини сурмоқда. Ўзим айна кунда Наманган вилояти ИИБ Тезкор-қидирув хизмати Киберхавфсизлик бўлими бошлиғи лавозимида фаолият олиб боряпман. Бугунги даврнинг муҳим соҳаларидан бирига айланган киберхавфсизлик йўналишида жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашишда фаол иштирок этмоқдаман.

Эгизак фарзандларим келгусида менинг соҳам бўйича яхши мутахассис бўлишни ният қилган. Шунинг учун «ёш ходимлар»нинг ўқишлари учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиляпман.

Фурсатдан фойдаланиб, соҳада ишлаётган осойишталик посбонлари ва халқимизни Мустақиллик байрами билан оиламиз номидан муборакбод этаман.

**Бахтиёр ТОЖИБОЕВ,**  
подполковник.

Наманган вилояти.



Момолари, боболари, ўғил-қизлари,  
Қош-кўзимга ўхшаб кетар қошу кўзлари.  
Бешигимнинг чизилдилар шунда излари,  
Юрагимнинг тубларида қолган Ватан бу.

Улкан халқ бу, бир тупроқда уруғ-аймоқдай,  
Минг йилларким, яшаб келар, жони ўймоқдай.  
Тақдири гоҳ тўзғиб кетган момоқаймоқдай,  
Гиёҳларнинг чўпларида қолган Ватан бу.

Ул ҳам бизни «фарзандим» дер, дардлари ўлиб,  
Бир кўз билан боқар бизга, меҳрга тўлиб.  
Атрофида тизилишдик мижгондай бўлиб,  
Киприкларнинг тўпларида қолган Ватан бу.

Бир элки бу, ғайратидан Қуёш ҳам шошган,  
Қумни титса — тилла топган, шуҳрати ошган.  
Таёқ суқса — ҳосил олган, ризқ-рўзи тошган,  
Дехқонларнинг «хўп»ларида қолган Ватан бу.

Ай оғалар, балки ҳали ёшман, ғўраман,  
Лекин фақат «юрт» деганга элман, жўраман.  
Ким бўлсам ҳам ўз еримда бекман, тўраман,  
Шажарамнинг тупларида қолган Ватан бу!

**Бобур БОБОМУРОД.**

★ Миннатдорлик

### ИТАЛИЯЛИК САЙЁҲЛАР МАМНУН

*Шаҳрисабз шаҳрига Италиянинг Бари шаҳридан сайёҳ сифатида келган Антониа Гентиленинг тўсатдан тоби қочиб қолди. Вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари томонидан зудлик билан «тез ёрдам» чақиртирилиб, италиялик меҳмонга биринчи ёрдам кўрсатилди.*

*Ҳозирда Антониа Гентиле ва унинг бир гуруҳ сайёҳ ҳамроҳлари юртимиз бўйлаб сайёҳатини давом эттирмоқдалар.*

**Ўз мухбиримиз.**

Қашқадарё вилояти.



★ Янги Ўзбекистон рақамларда

**2017 йил 5 сентябрдан эътиборан халқаро операцияларни, хусусан, товар, иш ва хизматлар импорти, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характериға эга бўлмаган ўтказмаларни амалга ошириш учун тижорат банкларида чет эл валютасини чекловсиз сотиб олиш, тижорат банкларининг конверсион бўлимларида сотиб олинган чет эл маблағларини халқаро тўлов карталарига ўтказиш бўйича эркин сотиб олиш ва чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиш, шу жумладан, банк ҳисобварақлари орқали чет элда ўқиш, даволаниш ва бошқалар учун тўловни амалга ошириш имконияти яратилди.**





Урок духовности и просвещения

# ЛУЧШИЕ ИНВЕСТИЦИИ – ИНВЕСТИЦИИ В ОБРАЗОВАНИЕ

**Излагая концептуальные положения, касающиеся дальнейшего развития республики, определяя цели и задачи на перспективу, Президент Шавкат Мирзиёев подчеркнул: «Повышение качества образования – единственно правильный путь развития Нового Узбекистана».**



Инвестирование в образование – инвестиции в будущее. Высокообразованные люди – лидеры, аккумулирующие и реализовывающие созидательные идеи, вносящие существенный вклад в процветание общества и государства.

В нашей стране сфере образования уделяется приоритетное внимание.

Процессы обновления в соответствии с современными стандартами происходят в системе дошкольного образования. Сегодня детские сады посещают порядка 2 миллионов мальчиков и девочек, за последние шесть лет охват детей дошкольным образованием возрос с 27 до 70 процентов. Данный факт получил высокую оценку на состоявшейся в Ташкенте Всемирной конференции ЮНЕСКО по воспитанию и образованию детей младшего возраста. В ближайшие пять лет планируется достижение 80-процентного охвата детей дошкольным образованием, для этого в детских садах будет создано еще 600 тысяч новых мест.

Кардинальные реформы осуществляются в сфере школьного образования. Созданы школы совершенно нового типа – Президентские, школы творчества, расширилась сеть специализированных школ. Разработаны новые учебники и учебные пособия.

Особое внимание уделяется улучшению условий труда педагогов. За прошедший период заработная плата учителей выросла в среднем в 2,5 раза.

В целях снижения нагрузки на школы создано 700 тысяч новых учебных мест. Это в 15 раз больше, чем в предыдущие годы.

Вместе с тем, как отметил Президент 28 августа на видеоселек-

торном совещании, в данной сфере необходимо еще сделать немало. Цель – улучшение как содержания, так и условий школьного образования.

В новых массивах и махаллях есть спрос на 350 тысяч учебных мест. Предстоит большая работа по модернизации инфраструктуры существующих школ.

В последние годы организовано 350 частных школ на 70 тысяч мест. Работа по развитию частного сектора школьного образования будет усилена.



В 500 школах страны внедряются учебные программы и система оценки Президентских и специализированных школ. Через год работа этих школ будет изучена, учителя, эффективно использующие новую систему, получат надбавки в размере до 40 процентов. В ближайшие пять лет данная система будет внедрена во всех школах.

Количество предметов, преподаваемых в старших классах, сокращается с 16 до 11. При этом учащимся 10-11 классов будут углубленно преподаваться по их



выбору пары предметов «химия – биология», «математика – физика», «математика – иностранный язык», «родной язык и литература – иностранный язык».

Учащиеся, желающие приобрести профессию, получают такую возможность уже в школе. Со следующего учебного года на эту систему переведут не менее 1 тысячи школ.

Содержание уроков также изменится. Вводятся занятия по компьютерной грамотности с 1-го класса и занятия по финансовой грамотности со старших классов.

В следующем году в рамках Инвестиционной программы на строительство школ предусмотрено выделение 3 триллионов сумов. За счет этого будет создано 150 тысяч новых учебных мест.

В нынешнем году школы закончили 387 тысяч учащихся. Из них 138 тысяч поступили в вузы. Глава государства подчеркнул необходимость привлечения остальных выпускников к профессиональному образованию, поддержки их интересов и предпринимательских инициатив.

Трансформация в полном смысле слова происходит в системе высшего образования.

В настоящее время между вузами страны действует принцип здоровой конкуренции. Реализация программы «Университет 3.0» способствует открытости рынка услуг, активному привлечению в сферу зарубежных вузов и частного сектора. Созданы новые университеты, филиалы иностранных университетов, проведена модернизация учебных планов и методик преподавания. За последние годы количество вузов увеличилось в 2,5 раза – до 198, охват высшим образованием вырос в 4 раза. Количество студентов достигло свыше 1 миллиона. Приоритет программы – повышение эффективности образования, создание достойных условий для студентов, поддержка прорывных научных исследований.

В стране придается большое значение внедрению различных форм обучения, в том числе дистанционного. В рамках стратегии «Основные направления развития системы образования на 2021-2030 годы» осуществляются меры для обеспечения качества цифровой инфраструктуры, расширения сети широкополосного интернета в образовательных учреждениях. Активно развиваются онлайн-платформы электронных учебных материалов и ресурсов. Это способствует повышению доступности образования для всех слоев населения, улучшению его качества, развитию инновационного потенциала страны.

**Олег КОН,  
Радик ТУМΠΑРОВ,  
кандидаты педагогических наук.**





✦ Faxriylar – faxrimiz

## QALBIDA QUYOSHI BOR

**Q**orako'lik Shavkat aka qalbida mehr quyoshi bor insonlardan. U 1979-yilda muddatli harbiy xizmatni afg'on urushi janggohlarida kechirdi.

– Harbiy xizmatdan so'ng, ichki ishlar bo'limiga murojaat qildim, – deydi Shavkat aka yoshligini xotirlab. – Chunki Afg'onistonda o'tgan uch yilim davomida yurt tinchligi, el osoyishtaligi bebaho ne'matligini anglab yetgandim. Hayotimni ana shu ne'matni asrab-avaylash uchun bag'ishlashga ahd qilgandim. Sinovlardan muvaffaqiyatli o'tganimdan so'ng, meni uchastka nozirining yordamchisi etib tayinlashdi.

Shavkat akaga ustoz Abdullo Xolliyev sohaning sir-asrorlarini o'rgatgach, qiyinchiliklarni yengib o'tdi. U o'z xizmat hududida sodir etilgan jinoyatlarni «issiq izida» fosh qilishga munosib hissa qo'shdi. Keyinchalik konvoylik xizmatida, bir muddat Qorako'l tumani IIB Navbatchilik qismida navbatchi yordamchisi bo'lib xizmat qildi. Keyingi faoliyati esa tuman



IIB boshlig'ining haydovchisi vazifasida kechdi. 2010-yilda izzat-ikrom bilan pensiyaga kuzatildi. Yigirma sakkiz yil ichki ishlar organlarida benuqson, samarali xizmat qilgan Shavkat

Hayitov pensiyaga chiqqach ham oyog'ini uzatib yotmadi. Mahalladoshlarining taklifi bilan ko'cha vakili bo'ldi. Ikki yildan so'ng esa o'zi tug'ilib o'sgan «Eski qal'a» mahalla fuqarolar yig'inida «Mahalla posboni» jamoat tuzilmasiga yetakchilik qildi. Ushbu vazifada profilaktika inspektori bilan birgalikda tinim bilmay xizmat qildi.

Ayni kunda tuman IIB Faxriylar kengashiga rahbarlik qilyapti. Uning tashabbusi bilan faxriylar holidan tez-tez xabar olib turiladi. Ayniqsa, bayramlarda ularga sovg'a-salomlar ulashiladi. Betob bo'lib qolgan faxriylarning salomatligini tiklash maqsadida sihatgohlarga yo'llanma olishlarida amaliy yordam ko'rsatiladi.

Lavhamiz qahramonining qalbida mehr quyoshi bor deganimizning sababi, mahallasidagi kam ta'minlangan oilalardan yordamini aya-maydi. O'zida bo'lmasa, homiy topib, ularning ko'nglini oladi. Shuning uchun ham mahalladoshlari undan minnatdor.

**Mirzoqul AHADOV,**  
o'z muxbirimiz.

*Buxoro viloyati.*

## 11 TURDAGI QOIDABUZARLIKNI ANIQLAYDIGAN QURILMA

**Shu kungacha Farg'ona viloyati hududidagi yo'llarda Yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasiga qarashli 18 ta multiradar mobil kompleksi xizmat olib borgan bo'lsa, endilikda ularning safiga «Ekin» nomli maxsus foto-video fiksatsiya qurilmalari bilan jihozlangan 2 ta avtotransport vositasi ham qo'shildi.**

Yangi qurilma maxsus transport vositasining tom qismiga o'rnatilgan bo'lib, bir vaqtning o'zida bir nechta vazifani bajaradi.

– Ushbu qurilmaning multiradarlardan afzallik jihati shundaki, u bir vaqtning o'zida 11 turdagi qoidabuzarlikni onlayn tarzda aniqlay oladi, – deydi viloyat IIB JXX YHXB katta inspektori, kapitan Elbek Qobilov. – Jumladan, belgilangan tezlikka amal qilmaslik, to'xtash va to'xtab turish qoidasini buzish, qarama-qarshi harakatlanish, svetoforning taqiqlovchi ishorasiga amal qilmaslik, piyodalarga yo'l bermaslik, taqiqlangan joydan qayrilib olish,

burilish, bir va ikki sidirg'ali yo'l chiziqlarini bosib harakatlanish kabilar.

Katta inspektorning qayd etishicha, ushbu qurilmani olib kelishdan ko'zlangan asosiy maqsad viloyat yo'llarida harakat xavfsizligini ta'minlash, haydovchilik madaniyatini oshirish va yo'l-transport hodisalarining oldini olishdan iborat.

Ma'lumot uchun aytish zarurki, tizimga ana shunday zamonaviy innovatsiyalarning joriy etilishi hamda olib borilayotgan targ'ibot-tushuntirish ishlari natijasida joriy yilning o'tgan 6 oyida viloyat hududida sodir bo'lgan yo'l-transport hodisalari 6,3 foizga, bolalar ishtirokida yo'l-transport hodisalari 14 foizga, tan jarohati bilan bog'liq hodisalar 14,1 foizga, o'lim bilan bog'liq hodisalar esa 30 foizga kamayishiga erishilgan.

**Abduvosit SIDIQOV,**  
o'z muxbirimiz.

*Fargona viloyati.*



✦ Mustaqillik tengdoshi

«XIZMATINGGA SHAYMAN, ELIM!»



Oramizda Vatanimiz mustaqilligi bilan birga ulg'ayib, bugun uning tinchligi, osoyishtaligini himoya qilayotgan ichki ishlar organlari xodimlari talaygina. Samarqand shahar IIOFMB huzuridagi Tergov bo'limi tergovchisi, kapitan Jasur Ne'matov ana shundaylardan biri. U 2012-yilda Samarqand davlat universitetining yuridik fakultetini tamomlagach, tizimdagi faoliyatini boshlagan.

– Bugun ishonch bilan shuni aytishim mumkin, o'zim intilgan, bor kuch-g'ayratimni sarflagan va orzu qilgan niyatlarimga erishdim, – deydi kapitan J. Ne'matov. – Mamlakatimizda yoshlar, qaysi yo'nalishda bo'lishidan qat'i nazar, o'z salohiyatini ro'yobga chiqarish imkoniyati yaratilayotganidan xursandman. Qolaversa, ushbu sohada o'z o'rnimni topishimda yaqindan yordam bergan ustozlarimdan minnatdorman.

Mamlakatimizda o'tgan yillar ichida yuksak marralar zabt etildi. Men istiqloq tengdoshi sifatida kelgusida jonajon Vatanimiz ravnaqi yo'lida fidoyilik va sadoqat bilan xizmat qilaman.

**Zamira BOLTAYEVA,**  
o'z muxbirimiz.

*Samarqand viloyati.*

■ г. Ташкент

## ГЛАВНОЕ – ОПЕРАТИВНОСТЬ



**Чиланзарский район – одна из крупных административно-территориальных единиц столицы. Здесь расположены жилые кварталы, функционируют крупные торговые центры, многолюдные рынки... Стражи порядка, в числе которых сотрудники дежурной части организационного отдела УКД ОВД района, несут службу, оперативно реагируя на любые нештатные ситуации.**

Примерно в половине шестого утра в дежурной части раздался телефонный звонок. Капитан Дилшод Мирсаидов поднял трубку. Происшествие в точке общественного питания на

восьмом квартале. Злоумышленник, воспользовавшись тем, что житель Чиракчинского района Кашкадарьинской области К. М. спал, похитил принадлежащие ему смартфон марки «Samsung

Galaxy A6», 1000 долларов США и 500 тысяч сумов.

На место происшествия незамедлительно направлена следственно-оперативная группа в составе следователя СО лейте-

нанта Комила Гиёсиддинова, оперуполномоченного ОУР ОВД №1 УКД ОВД старшего лейтенанта Азизбека Абдуназарова, эксперта ЭКО майора Линара Мухамеджанова, сотрудника 1-го отряда ППС рядового Шахзода Джураева.

Благодаря профессионализму, блюстители правопорядка быстро вышли на подозреваемого. Им оказался Н. Ж., проживающий в Кибрайском районе Ташкентской области. Молодой человек был задержан. В настоящее время по факту кражи проводятся следственные действия.

– С начала года сотрудниками дежурной части зарегистрировано свыше 21 тысячи сообщений, – говорит начальник организационного отдела УКД ОВД подполковник Дилмурод Рузматов. – В 985 случаях, подобных приведенному выше, на место происшествия направлены следственно-оперативные группы. В результате 346 преступлений раскрыто по горячим следам. С большой ответственностью выполняют свои обязанности старший инспектор организационного отдела старший лейтенант Фарход Рафиев, сотрудники дежурной части старший сержант Суннат Усмонов, сержант Дилшод Ахмедов.

...Поступил еще сигнал о противоправном деянии. Дежурный принимает решение: на место происшествия выезжает группа в составе следователя лейтенанта Мухторжона Куканбаева, эксперта ЭКО, оперативника ОУР капитана Аркадия Кузнецова на автомашине под управлением рядового Комилжона Хидирова. Задача – без промедления раскрыть преступление.

**Сарвар СОБИРОВ,**  
соб. корр.



*По зову сердца*

## ДОСТИГАТЬ ЦЕЛЕЙ

**Талантбек Юсупов родился 1 сентября 1989 года в Джалакудукском районе. После окончания Ташкентского юридического колледжа проходил срочную службу в рядах Вооруженных Сил.**

В 2009 году он был принят в органы правопорядка и направлен учиться на Высшие курсы по подготовке сержантского состава Академии МВД. После окончания обучения работал инспектором отделения исполнения наказания Андижанского ГОВД, старшим инспектором группы пробации УКД ОВД по городу Андижану. С 2021 года является старшим специалистом отдела правовой статистики и оперативно-учетной информации УВД Андижанской области.

– Мы живем на благословенной земле, имя которой независимый Узбекистан, – говорит старший сержант Т. Юсупов. – Наш священный долг – чтить самоотверженность предков, переживших немало трудностей и испытаний, оберегать свободу страны, быть преданными народу.

Талантбек Юсупов не только отличный сотрудник, но и образцовый глава семейства. Вместе с супругой Шахнозахон они воспитывают четверых детей.

Старшему сыну, Шожжахону, 9 лет, Фазлиддину 6 лет, Мухаммади 2 года, а самой младшей Ясмине недавно исполнилось 3 месяца.

Талантбек студент-заочник Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий. Недавно перешел на четвертый курс. Мечтает стать офицером, стремится достигать еще больших успехов в службе на благо Родины.

**Борис КЛЕЙМАН,**  
соб. корр.



Мустақиллик иншоотлари

## САРИТЕПАДА ЯНГИ ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ



Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги «Саритепа» маҳалла фуқаролар йиғинида 80-сонли ҳуқуқ-тартибот маскани фойдаланишга топширилди. Фуқаролар йиғинининг эски биносини реконструкция қилиш йўли билан юзага келтирилган мазкур масканда профилактика инспектори, жиноят қидирув бўлимининг тезкор вакили, терговчи ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор, фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдам-

чиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси учун хоналар ажратилган. Бу ерда 30 ўринли йиғилиш зали ҳам мавжуд.

Масканда маҳаллани обод ва хавфсиз қилишга бел боғлаганлар учун қулай шароитлар яратилган. Замонавий мебеллар, компьютер жамланмалари, интернет таъминоти шулар жумласидан.

Ҳуқуқ-тартибот масканининг иккинчи қаватида 75 ўринли мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди. Болаларга инглиз ва рус тилларини ўргатиш

режалаштирилган ушбу муассасада яратилган шароитлар бугунги кун талабларига мос.

Ҳуқуқ-тартибот маскани ва мактабгача таълим муассасасининг очилиш маросими тантанали руҳда ўтди. Туман ҳокимлиги, ташкилот ва корхоналар масъуллари ҳамда маҳалла аҳли иштирокида уюштирилган тадбирда сўзга чиққанлар аҳоли осойишталигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга

ошириладиган ислохотлар хусусида тўхталдилар.

Қисқаси, республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари саритепаликлар ҳам юртимиз истиқлолининг 32 йиллиги байрамини кўтаринки кайфиятда қарши олмақда. Айтганча, Дўстлик туманида кейинги ҳуқуқ-тартибот маскани Манасда барпо этилади.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
ўз мухбиримиз.

*Жиззах вилояти.*




Киберхавфсизлик

**Б**угунги кунда ижтимоий тармоқларда алоҳида гуруҳлар томонидан кимларнидир асосиз кўкка кўтариш ёки кимларнидир ерга уриш, ҳақоратлаш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Шунинг учун зарурки, хоҳ сохта профил, хоҳ очик профил орқали кимнидир ҳақорат қилиш жавобгарликка сабаб бўлиши қонунларимизда белгилаб қўйилган. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали шахс шаъни ва қадр-қимматини қасддан таҳқирлаш, яъни, ҳақорат қилиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Афсуски, бу турдаги жиноятлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ижтимоий тармоқлар орқали шахс қадр-қимматини камситувчи, кимнидир ҳақорат қилувчи бундай ҳолатлар «кибербуллинг» деб номланиб, ҳақорат қилиш орқали содир этиладиган безорилик турлари сирасига киради.

«Буллинг» сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, таъқиб, зўравонлик каби маъноларни

англатади. Демак, кибербуллинг ижтимоий тармоқлар орқали амалга ошириладиган зўравонлик ҳисобланиб, кўпинча компьютер ёки мобил телефонлар ёрдамида содир этилади.



Кибербуллингнинг ҳозирги пайтда камситиш, очикдан-очик кимдир ҳақида ёлғон маълумотларни тарқатиш, лақаб қўйиш, миш-миш тарқатиш, қўрқитиб таҳдид қилиш каби шакллари энг кўп учрамоқда. Дунё мамла-

катларида кибербуллинг тобора кучайиб бораётган муаммо сифатида қаралмоқда.

Кибербуллинг кўп ҳолларда бошқа шахсни интернет орқали шарманда қилиш, унинг номи-

ширилмаган маълумотларни тарқатишади. Масалан, ички ишлар органлари ходимлари қайсидир фуқарони ушлаб, хизмат автомобилида олиб кетишаётгани ёки шахсни ушлаш жараёнида куч ишлатиш ҳолатларини кимдир телефонида видеога олиб, «Телеграм»да тарқатади. Кўп ўтмай кузатувчилар томонидан бу видеоматериалдаги ҳолатга турли салбий маънодаги изоҳлар қолдириш бошланади. Бунга эса видеоматериал «Ички ишлар органлари беайб фуқарога нисбатан куч ишлатиб, уни олиб кетишмоқда» номли сарлавҳа остида тарқатилиши сабаб бўлади. Ваҳоланки, «беайб» экани айтиладиган шахс аслида жиноятчи, кимнидир катта маблағга туширган фирибгар ёки қотил экани билан ҳеч ким қизиқиб ҳам кўрмайди.

Шундай экан, кимдир ҳақида ижтимоий тармоқларга маълумот жойлашдан олдин унинг ҳуқуқий оқибатларини унутмаслик лозим. Битта ёлғон маълумот тарқатиш ёки кимнидир биллиб-билмай камситиш, ҳақорат қилиш сиз учун жавобгарликка сабаб бўлишини ёдингиздан чиқарманг.

**Муҳаммадбобур СОДИҚОВ,**  
майор.



## Ma'naviyat marshruti



# BERDAQ MUZEYI – DAVRLAR TUTASHGAN MASKAN

**N**ukus shahridagi Berdaq nomidagi Qoraqalpog'iston davlat adabiyot muzeyi xalqimizning yozma madaniy merosi, adabiyotini avlodlarga tanishtiruvchi muzeylardan biridir. Ta'kidlash joizki, Qoraqalpog'iston davlat universiteti qoshida tashkil etilgan muzey 2002-yil 1-mart kuni o'z faoliyatini boshlagan. 2021-yil muzey Berdaq nomidagi Qoraqalpog'iston adabiyoti tarixi davlat muzeyi nomi bilan qayta tashkil etilgan.

– Muzeyda xalqimizning qadim davrlardan bugungi kunga qadar davom etib kelayotgan hayot yo'lini aks ettiradigan yozma adabiyot namunalari, mumtoz qoraqalpog'iston adabiyoti, folklori, qoraqalpog'iston klassik adabiyoti hamda XX va XXI asrlar qoraqalpog'iston adabiyoti namoyandalari ijodi, xalqimiz tarixida chuqur iz qoldirgan mutafakkirlar, shuningdek, mustaqillik yillarida badiiy adabiyotda erishilgan yutuqlarni aks ettiruvchi eksponatlar



joy olgan, – deydi muzey direktori, Qoraqalpog'istonda xizmat ko'rsatgan madaniyat xodimi Sharigul Payzullayeva. – Birinchi qavatda ma'muriyat xonalari joylashgan bo'lsa, ikkinchi qavatda muzeyning ochilish tarixi, qoraqalpog'iston adabiyoti, xalq og'zaki ijodi namunalari, shuningdek, X–XI asrlarda hayot kechirgan Hakim ota Sulaymon Boqirg'oniyning «Oxir zamon kitobi» nomli kitobining qo'lyozma nusxasi, turkiy adabiyot bo'stoni-



ning taniqli namoyandalari Yusuf Xos Hojib, Mahmud Qoshg'ariy, Ahmad Yugnakiy, So'fi Olloyor, Rabg'uziy, Xorazmiy, Sayfi Saroyilar haqida ma'lumotlar, ularning she'rlaridan namunalar joy olgan. Bundan tashqari, qoraqalpog'iston xalq dostonlari, qoraqalpog'iston folklorining

100 tomligi, jirovlar, baxshilar, qis-saxonlar haqida ma'lumotlar, ular ijro etgan dostonlar, soz-asboblari o'rin egallagan.

Shu qavatda muzeyning bebaho eksponati hisoblangan uzunligi 1 metr, eni 80 sm, qalinligi 10 sm bo'lgan marmar tosh mavjud. Unda fors tilida yozilgan 48 qatorli bitik mavjud. Bu tosh 1770-yillarga tegishli bo'lib, bir vaqtlar Chimboy shahridagi Xon masjidida saqlangan. Toshdagi bitiklarda muallimlarga, mudarrislariga, masjid egalari-ga turli topshiriqlar bitilgan. Masalan, bir qatorda «O'quvchilarning xulq-atvoridan qat'i nazar, muallim uni o'qitishi, bilim berishi shart», deyilgan.

Ko'rgazmalar zaliga yozma manbalar, fotosuratlar, eski arab tilidagi qo'lyozma va tosh bosma kitoblar qo'yilgan. Unda Berdaqning «Shajara» va «Xorazm» asarlarining qo'lyozmalari, Ajiniyozning «Qiz Me-



shajarasi va ular to'g'risida ma'lumotlar, Berdaq asarlarini tadqiq etgan olimlarning monografiyalari, rassomlarning Berdaq asarlari asosida ishlagan kartinalari qo'yilgan.

– Muzeydagi yana bir qimmatbaho eksponatlardan biri Berdaq kiygan chopon hisoblanadi. Uni shoirning avlodlaridan biri – Nukus shahrida yashovchi Aman-gul Allanova 2014-yili muzeyga sovg'a qilgan. Aytishlaricha Berdaq qizi Hurlimanning uyiga borganda nabirasi uxlab yotgan beshik ustiga choponini yopib ketgan. Shu paytgacha bus-butun saqlanib qolgan choponni uning avlodlari muzeyga topshirishga qaror qilishgan, – deydi muzeyning katta fond saqlovchisi Zulfiya Akimova.

Ko'rgazmalar qatorida 1967-yilda tashkil etilgan adabiyot, madaniyat, san'at, texnika va arxitektura sohalari bo'yicha Berdaq nomidagi Davlat mukofotining sovrindorlari to'g'risida ma'lumot joy olgan bo'lib, bugungi kunga qadar ular soni 100 ga yetgan.

**Azamat PIRNIYAZOV,**  
o'z muxbirimiz.

Qoraqalpog'iston Respublikasi.

## Yangi O'zbekiston raqamlarda

2017-yilda qo'shni Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston va Turkmaniston Respublikalari bilan chegara postlari ochilib, qo'shni davlatlararo uzilib qolgan bir necha o'n yillik qo'shni-hilik va qarindoshchilik aloqalari tiklandi.

Qo'shni mamlakatlar chegaradosh hududlari darajasida aloqalar kengayib borayotgani, xalq diplomatiyasi mexanizmlaridan faol foydalanilayotgani ham mintaqaviy davlatlari munosabatlarini mazmunan boyitmoqda.



# QON BOSIMINGIZ OSHSA...


Hozirgi kunda fasllar almashishi, iqlim o'zgarishi kabi qator omillar tufayli gipertoniya, ya'ni, qon bosimining oshishi bilan bog'liq holatlar ko'plab kuzatilmoqda. Biroq ushbu kasallikning kelib chiqish sabablari, tashxis qo'yish, davolash hamda oldini olish yo'llari haqida barcha birdek tibbiy bilimga ega emas, albatta. Shu bois IIV Markaziy poliklinikasi reabilitatsiya bo'linmasi boshlig'i, podpolkovnik Mehriniso Muhammedova bilan ushbu mavzuda suhbatlashdik.

– Gipertoniya qon tomirlarining nerv-funksional faoliyati buzilishi natijasida kelib chiqadigan kasallik bo'lib, asosan 40 yoshdan oshganlarda uchraydi, lekin so'nggi yillarda yoshlarda ham tez-tez kuzatilmoqda. Bu darddan ayollar ham, erkaklar ham bir xil aziyat chekadi.

Kasallik rivojlanishiga olib keluvchi omillardan asosiy – bu kamharakat turmush tarzidir. Qolaversa, ortiqcha vazn, metabolik kasalliklar, endokrin kasalliklar, ruhiy tushkunlik, bosh miya jarohatlari, yurak-qon tomir tizimiga salbiy ta'siri bor surunkali kasalliklar (qandli diabet, podagra, revmatoid artrit), irsiy moyillik, virusli va yuqumli kasalliklar (meningit, sinusit, gaymorit), qon tomirlarida yosh bilan bog'liq o'zgarishlar, qonda xolesterin miqdorining yuqori bo'lishi, zararli odatlar (chekish, alkogolli ichimliklar ichish, me'yordan ortiq qahva iste'mol qilish), kun davomida ko'p miqdorda tuz iste'mol qilish, kompyuter qarshisida uzoq vaqt o'tirish, ochiq havoda kam

yurish ham qon bosimini yanada oshirib yuboradi.

Qon bosimi baland bo'lishining oldini olish uchun, avvalo, uning sababini sinchiklab tekshirib ko'rish lozim. Kasallik ko'plab bemorlarda bosh og'rishi, buruning tez-tez qonashi, qayt qilish,



uyqusizlik, xotira buzilishi, har qanday jismoniy faollikdan so'ng teri yuzasining qizarishi, ko'zda kuchli bosim, yurakning tez urishi, to'qimalarda shishlar paydo bo'lishi va charchoq holatlari bilan kechishi kuzatiladi.

Kasallikning dastlabki bosqichlari yashirin kechgani bois ko'pchilik bemorlar shifokor huzuriga kech kelishadi. Shuning uchun har bir inson shubhali belgilar paydo bo'lsa, o'zini o'zi davolash bilan shug'ullanmasdan, shifokor qabuliga kelishi kerak. Taomnomaga servitamin, mineralarga boy bo'lgan va kasallikka qarshi kurashishga yordam beruvchi sabzavotlar, mevalar, rezavorlar, ko'katlar, sut mahsulotlari, parhez-bop go'sht, loviya, guruch, grechka kabi mahsulotlardan ko'proq kiritish darkor.

Nonushtada qatiq yoki tvorog, choy o'rniga o'rikli damlama, mevalar, tushlikka esa lavlagidan tayyorlangan salat, ko'proq dimlab, bug'da pishirilgan taomlar iste'mol qilish

buyuriladi. Nonni kamroq yeyish lozim. Ovqatga kamroq tuz solish, qovurilgan, ziravorli, qo'y go'shti solingan ovqatlardan voz kechishga to'g'ri keladi. Haftasiga 1–2 marta baliq, tovuq go'shtidan tayyorlangan taomlar iste'mol qilish lozim. Zero, to'g'ri ovqatlanish gipertoniyaning muvaffaqiyatli davolashda muhim hisoblanadi.

Uy sharoitida har bir inson o'z qon bosimini muntazam o'lchab turishi kerak. Eng optimal ko'rsatkich 120/80 mm sim.ust (quyida birlik deb keltiriladi), yoshi kattalar uchun 130/90. Atrof-muhit ta'siri yoki jismoniy faollik natijasida bosim 5–10 birlikka ortishi mumkin. Quyi va yuqori bosim o'rtasidagi juda katta farq ham xavotir uchun belgi bo'ladi – odatda bu ko'rsatkich 50 birlikdan oshmasligi kerak. Agar qon bosimining tez-tez o'zgarishi kuzatilsa, shifokorga ko'rinish tavsiya etiladi.

**Gulnoza TURG'UNBOYEVA**  
yozib oldi.

## ПОЛЬЗА ЗЛАКОВ

Злаки несут колоссальную пользу для человеческого организма. Благодаря содержанию в них клетчатки и правильных углеводов стенки желудка очищаются от вредных веществ, токсинов и шлаков.

**Наиболее ценные злаки**  
**Овес.** Содержит витамины А, Е, С. Улучшает пищеварение, благотворно влияет на сердечно-сосудистую систему, укрепляет волосы, ногти.  
**Кукуруза.** Богата витаминами А, С, РР, Е, D, К, группы В. Снижает уровень сахара в крови. В кукурузном белке присутствуют незаменимые аминокислоты – триптофан и лизин.  
**Пшено.** Подходит даже аллергикам. Содержит клетчатку, калий, фосфор, магний и витамины группы В.



## ЛОЖКА МЕДА

Ложка меда на ночь – залог хорошего сна.

Мед известен своими успокаивающими свойствами. Расслабляет, способствует выработке мелатонина – гормона, отвечающего за здоровый сон, обновление клеток и восстановление нервной системы.

## КАК ПОНИЗИТЬ ДАВЛЕНИЕ?

- Нормализовать показатели артериального давления поможет глубокое дыхание. Сделайте несколько глубоких вдохов и попытайтесь задерживать дыхание на выдохе. В результате тело расслабляется, а частота сердечных сокращений замедляется. Правильное дыхание – один из эффективных способов быстро снизить давление в сосудах.

- Поможет теплый чай с мятой или «коктейль» из 1/2 стакана минеральной воды, столовой ложки меда и сока половины лимона. Напиток необходимо выпить за один прием, уже через 25-30 минут почувствуется эффект.

### Продукты, нормализующие давление

Красный болгарский перец богат витамином С, способствующим укреплению стенок сосудов и улучшению их эластичности.

Лимон также содержит витамин С. Кроме того, он помогает снизить уровень холестерина в крови, что положительно сказывается на состоянии здоровья.

Овсяная каша на завтрак является хорошим источником селена, клетчатки и других полезных элементов.

В картофеле много калия, магния и витамина С. Идеальный способ приготовления – запекание с кожурой и без соли.

Тыквенные семечки являются концентрированным источником питательных веществ, важных для контроля артериального давления, таких как магний, калий, аргинин – аминокислота, необходимая для производства оксида азота, расслабляющего кровеносные сосуды и снижающего артериальное давление.

**Перед применением посоветуйтесь с врачом.**



Спорт

## МЕДАЛЛАР ШОДАСИ – ҲАМКАСБЛАРИМИЗДА

**Жорий йилнинг 22–23 август кунлари Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида самбо бўйича катталар ўртасида жаҳон кубоги баҳслари бўлиб ўтди.**

Мусобақада дунёнинг турли мамлакатларидан келган самбочилар 24 та вазн тоифасида совринли ўринлар учун кураш олиб боришди. Эътиборлиси, беллашувларда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумий ҳисобда 18 та (3 та олтин, 8 та кумуш ва 7 та бронза) медалга эга чиқишди.

ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти тезкор



ҳаракатланувчи отряди вакиллари ҳам ушбу мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси таркибида муносиб иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олишди. Хусусан, Ойбек Солиев жанговар самбо тури бўйича 71 кг вазн тоифасида иккинчи ўринни, Соҳиб Ҳасанбоев 88 кг вазн тоифасида ва Ислом Носиров +98 кг вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритишди.

Ҳамкасбларимизни бу ғалаба билан муборакбод этиб, келгусида ҳам улкан зафарлар кучишини тилаб қоламиз.

**Шаҳризод ШОКИРОВ,**  
катта лейтенант.



Мулоҳаза

**Бу воқеа 2019 йилнинг куз ойларида юз берганди. Ўшанда биринчи босқич талабаси эдим. Пойтахтимизнинг ТТЗ даҳасида жойлашган «Наврўз» деҳқон бозорига унча узоқ бўлмаган хонадонлардан бирида ижарада турардим. Деярли ҳар куни дарслар тугагач, бозор айланардим.**

Бир куни туппа-тузук кийинган, чамаси 35 ёшлардаги йигит бозорга кираверишда мен билан қўл бериб кўришгач: «Укам, Нукусдан келдим. Пулим тугаб қолди. Илтимос, «Чорсу»га етиб олишимга 3 минг сўм бериб тур, дуо қилиб қўяман», – деди.

Бирпас ўйлаб турдим-да, айтган пулини чўнтагимдан чиқариб бердим. Ўша кезлари 3 минг сўм талабанинг бир марталик энгил тушлик қилишига етарди. Сўнг йўлимда давом этиб, бозор ичига кирдим. Қора кўзойнак ҳамда спорт кийими харид қилиб, устимга ташлаб, кўзойнакни тақиб олдим. Бозордан чиқаётганимда, кимдир елкамдан туртиб: «Ҳой укам, Қорақалпоғистоннинг Нукусидан келувдим. Пулим тугаб қолди. Илтимос, «Чорсу»га етиб олишимга 3 минг сўм бериб тур, дуо қилиб қўяман», – деди.

Унинг овози жудаям таниш туюлди. Кўзойнагимни ечиб, ортга ўгирилганимни биламан, не кўз билан кўрай, рўпарамда ҳалиги ака турибди-да. Жаҳлим чиқиб: «Бир соатча олдин пул бердим-ку, ия, ҳалиям «Чорсу»га етиб олмадингизми?!» – дедим киноя билан.

Ҳалиги йигит «Уэр, кечиринг!» – деганича, жуфтани ростлади.

Бу ҳолатни кузатиб турган ўрта ёшли амаки бошини сарак-сарак қилиб, бундайлар охирига пайт кўпайиб кетганини айтди. Демак, кунига бир неча ўнлаб фуқаролар замонавий тиланчиларнинг домига илинаркан-да. «Уялишмасмикан, қани эркаклик ғурури?!» деган хаёллар мени сира тинч қўймаганди ўшанда.

Волидам болалигимдан «Одамларга имконинг бўлганича яхшилиқ қил» деб тайинлаб келади. Онагининг бу насиҳатларига ҳамиша амал қилишга интиламан. Аммо ишонувчанликни, қалб поклигини сақлаб қолиш ёш улғайган сари

## ЗАМОНАВИЙ

### «ЭРКАКЛАР»

(Ҳаётини воқеалар асосида)



қийинлашиб бораркан. Бозордаги ҳолат «дарс» бўлган, шекилли, яқинда кўча-кўйда эркак боши билан одамлардан пул сўраб юрган одамга пул бермасликка қарор қилдим. Негаки, ҳақиқий ёрдамга муҳтож одам вазиятини бошқача тушунтиради. Унга тўлиқ ишонасиз.

Бундай воқеа ҳам бошимдан ўтган. Шу йил бошида пойтахтимизнинг Бешёғоч даҳасида йўл четига «Ласетти» русумли автомашина келиб тўхтади. Рулда ўтирган аёл икки-уч марта сигнал чалгач, «Ҳой, ўғлим, бир дақиқага мумкинми?!» дея ёнига чақирди. «Бензиним тугаяпти, озроқ пулинг йўқми, болам? Шошиб турувдим. Фақат берсанг рози бўлиб бер, бўлмаса шарт эмас!» деди қатъий оҳангда. Унга 20 минг сўм илдиндим. Машинасини ўт олдиранкан, «Рози бўлгин», дея иккинчи бор такрорлади. У алда-

маётганди. Боиси, икки юз метрлар узоқлашгач, машинаси йўлнинг ўртасида тўхтаб қолди. Тўрт-бешта киши биргалашиб, автоуловни четга олиб қўйди.

Бироқ тунов куни яна алданганимни ҳис қилдим. «Ойбек» метро бекатига етмасдан, кичкина қора пакет кўтарган йигит ҳозиргина

бор-будини дорихонага ташлаб чиққанини иддао қилиб, имкони бўлса, йўлкирага 10 минг сўм беришимни ўтиниб сўради. У «Сизам мени «машенник» деб ўйламанг, ҳеч ким ёрдам қилмаяпти!» деди жаҳл билан. Шу сўзларидан кейин илтимосини рад этолмадим. Лекин кўп ўтмай аниқ чув тушганимни билдим. Сабаби, мenden узоқлашгач, бошқаларга ҳам ялинаётганди. Ҳатто аёлларга ҳам. Эҳ, эссиз эркак деган ном...

Берган пулларим ачинишга ҳам арзимаслигини яхши биламан. Аммо гап фақат моддият борасида кетмаяпти-да. Гап арзимаган пул эвазига ўз ордан кечиб, замонавий тиланчиликни тирикчилик манбаига айлантириб олган «эркаклар» ҳақида кетяпти.

Даҳшатлиси, уларнинг касрига ҳақиқий ёрдамга муҳтож одамлар қоляпти. Чунки бунақада ночор инсонлар ёнимизга келса ҳам, ишонмайдиган даражага келиб қоламиз. Чунки илгари бир неча марта оғзимиз «куйган». Қарабсизки, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилади. Бепарволик ортиб кетади.

Қиссадан ҳисса шуки, бундай «эркаклар»дан эҳтиёт бўлинг. Эҳ, Жалолддин Мангуберди, Амир Темур туғилган, йигитлик ори юқори қўйиладиган юртимизда бундай хунук ҳолатлар бўлаётганлиги ғоят ачинарли.

**Аброр ПОЁНОВ,**  
ўз мухбиримиз.

### ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда Фахрийлар кенгаши ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти ЙҲХХ бошлиғи ўринбосари, полковник Жамшид Каримовга волидаи муҳтарамаси

**Фарида аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда Фахрийлар кенгаши Самарқанд тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими бошлиғи, подполковник Баҳодир Тўрақуловга онаси

**Саноат аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.



## ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ (с 4 по 10 сентября)



**Овен.** На протяжении недели будете чувствовать душевный подъем. Финансовое положение стабильно. Есть вероятность непредвиденных, но необходимых трат. Стремитесь к цели, успех не за горами. Что касается дальних поездок, то пока лучше от них отказаться.



**Телец.** Ждут довольно крупные траты. Попробуйте обойтись своими силами, не решайте финансовые проблемы за счет займов, кредитов. Не торопите события, не спешите реализовывать задуманное, не предусмотрев мелочей. Обратите внимание на здоровье.



**Близнецы.** Не допускайте попыток окружающих руководить вами. В середине недели значительно расширится круг общения. Все переговоры нужно успеть осуществить до субботы, чтобы в воскресенье не страдать от прихотей своего и чужого настроения.



**Рак.** Ваша задача – не терять времени даром, с понедельника займитесь осуществлением намеченного. Принимайте взвешенные решения. В середине недели замыслы могут реализоваться. Выходные проведите в кругу родных и близких. Не забывайте, они нуждаются в вашем внимании.



**Лев.** Обновите имидж и гардероб. Финансовые траты не очень сильно расшатают ваш бюджет. Покупки делайте в понедельник, пятницу или воскресенье. Намечается знакомство с хорошим человеком, с которым можете выстроить конструктивные отношения.



**Дева.** Не поддавайтесь иллюзиям, принимая решения, прислушайтесь к авторитетным мнениям. Лучший день для решения проблем – четверг. Выходные проведите дома в окружении близких. Откажитесь от дальних поездок. Обратите внимание на здоровье.



**Весы.** Весов ожидает плодотворная неделя, профессиональный успех, встречи с давними коллегами. В конце недели вероятны денежные поступления. В семье все стабильно и спокойно. Близкие готовят приятный сюрприз. Выходные проведите в окружении родных.



**Скорпион.** Будете чувствовать душевный подъем и бодрость. Легко удастся наладить плодотворные взаимоотношения с коллегами по работе, особенно если попросите у них совета. В конце недели рекомендуется отдохнуть на лоне природы вместе с родными.



**Стрелец.** Со вторника могут появиться заботы, которые ограничат вашу активность. В рабочих делах можете нередко выбиваться из графика. Постарайтесь найти союзников, которые будут помогать вам. Все хорошее придет само – готовиться к этому необязательно, напротив, суетой спугнете удачу.



**Козерог.** Будет наблюдаться общий напряженный эмоциональный фон. Новые люди, вошедшие в вашу жизнь, откроют глаза на новые возможности, предложат сменить сферу деятельности. Прислушайтесь к их мнению и начинайте действовать.



**Водолей.** На работе аврал. Не будет хватать времени для выполнения намеченного. В отношениях с близкими проявляйте спокойствие, не поддавайтесь негативным эмоциям. В конце недели ожидаются финансовые поступления. Не время для крупных покупок.



**Рыбы.** Будете пользоваться полным одобрением окружающих, коллег и даже начальства. Скрытые подвохи возможны в среду и четверг. Попытки уравнять расходы с доходами отнимут много времени. Незначительные успехи на финансовом поприще могут появиться лишь к пятнице.

### Статья 32.

Каждый, кто на законных основаниях находится на территории Республики Узбекистан, имеет право на свободное передвижение по стране, выбор места пребывания и жительства, за исключением ограничений, установленных законом.

Каждый имеет право на свободный выезд за пределы Узбекистана, за исключением ограничений, установленных законом. Гражданин Республики Узбекистан имеет право беспрепятственного возвращения в Узбекистан.



Независимость в моей судьбе

## ПОКОРЯЯ ПЬЕДЕСТАЛЫ ПОЧЕТА

**Я – ровесник независимости Узбекистана. Возможности, открывшиеся благодаря суверенному развитию страны, позволили получить хорошее образование. Занимаюсь спортом, участвую в престижных соревнованиях, становлюсь их победителем. Обрел почетную профессию сотрудника органов правопорядка.**

Службу в органах внутренних дел начал в 2017 году в батальоне ППС УООП УВД Хорезмской области. Принимал участие в обеспечении общественного порядка и безопасности граждан, деятельности по предупреждению правонарушений и преступлений. Стремился к достижению высоких результатов в ходе учебно-боевых тактических занятий. В настоящее время являюсь дежурным инспектором изолятора временного содержания УООП СОБ УВД области.

Под руководством опытных тренеров упорно занимаюсь спортом. На турнире по рукопашному бою среди профессионалов, состоявшемся в 2017 году в Намангане, стал чемпионом республики. Являюсь обладателем золотых медалей чемпионатов Узбекистана по данному виду спорта, проходивших в 2018 году в Нукусе, в 2020 году – в Навоийской области, в 2022 году – в Ургенче.

Недавно в преддверии Дня независимости в Навоийской области про-

ходили республиканские соревнования по рукопашному бою среди профессионалов. Мне посчастливилось в пятый раз стать обладателем чемпионского пояса, выполнив тем самым норматив мастера спорта.

Не собираюсь останавливаться на достигнутом. Цель – подняться на пьедесталы мировых первенств, высоко держать флаг Узбекистана.

**Кувондик ЮСУПОВ, сержант.**  
Хорезмская область.





## VATAN BOG'I

Gulga kirib, gurkiradi Vatan bog'i,  
Siz niholsiz: mayli, tol yo terak bo'ling.  
Unib-o'sib, bir kun elga kerak chog'i  
Quchog'iga kiring – mahkam tirgak bo'ling!

Bir bog'ki bu – avji baland, shovullar ko'p,  
Har mevasi cho'g'day yonib, lovullar ko'p.  
Ziyatiga ko'z olaytgan dovullar ko'p,  
Shoxlarini sindirmasin – sergak bo'ling!

Yurt bog'iga payvand bo'lsa har o'yingiz,  
Ko'kka o'rlab, osmon bo'lar tik bo'yingiz.  
Og'ushida o'tgay, beshak, baxt to'yingiz –  
Gulday ayol, chinor kelbat erkak bo'ling!

Charx aylanar...  
Umr kechsa begard-u pok,  
Vatan bog'i chechak tutgay quchoq-quchoq.  
Sochingizga ko'nglingizdan ko'chganda oq,  
Nabiralar uchun sirli ertak bo'ling!

Bir kun hijron boqqa yo'lak solganda ham,  
Yuz yil yashab yuragingiz tolganda ham,  
Dunyo sizga kerak bo'lmay qolganda ham,  
Siz shu elga, shu Vatanga kerak bo'ling!

Nodir JONUZOQ.

## Dil izhori

# SHU ZAMIN FARZANDIMAN!

O'zbekiston –  
ona Vatanim. Shu  
serquyosh zaminda  
tug'ilib, kamolga  
yetdim. O'zim ta-  
tar millatiga man-  
sub bo'lsam-da,  
o'zbeklar bilan bir  
mahallada katta  
bo'lganim uchun  
to'y-ma'rakalari,  
urf-odatlarini, meh-  
mondo'stligi  
menga bego-  
na emas.



Hozir Uchtepa tumani IIOFMB 1-sonli IIB HPB xotin-qizlar masalalari bo'yicha katta inspektor lavozimida xizmat qilib kelyapman. Men xizmat olib borayotgan hududda 14 ta mahalla bo'lib, 70 mingdan ortiq o'zbek, rus, tojik, qozoq, tatar va boshqa turli millat vakillaridan iborat xotin-qizlar istiqomat qiladi.

Tumanda 8 nafar hamkasbim bilan oilaviy nizo va ajrimlarining oldini olish, oilalar totuvligini ta'minlashda nimalarga e'tibor qaratishimiz bo'yicha doimiy fikr almashishimiz o'z samarasini berayotgani quvonarlidir.

Xizmat faoliyatim davomida O'zbekistonda barcha millat vakillari bir oila farzandlaridek, ozod va obod Vatan ravnaqi, tinchligi hamda farovonligi yo'lida bir yoqadan bosh chiqarib mehnat qilayotganiga ko'p bora guvoh bo'lganman.

Fursatdan foydalanib barcha yurtodoshlarimni, hamkasblarimni eng ulug', eng aziz bayram – Mustaqilligimizning 32 yilligi bilan samimiy qutlayman. Oila atalmish muqaddas qo'rg'onga hech qachon darz ketmasin. Go'zal va jonajon O'zbekistonimiz kelajagi uchun xizmat qilish yo'lida aslo charchamang!

Radmila MURSALIMOVA,  
katta leytenant.

Toshkent shahri.

## Ikkinchi iste'dod

# OHANGLARIDA OLAM MUJASSAM

Katta leytenant Otabek Abdurashidov mamlakatimiz Qurolli Kuchlari akademiasini muvaffaqiyatli tamomlab, ona Vatanimiz osoyishtaligi yo'lida fidoyilik bilan xizmat qilayotgan yosh harbiylardan biri. Ilk xizmat faoliyatini Toshkent garnizoni harbiy komendaturasi patrullik guruhi komandiri lavozimida boshlagan bu yigit hozir-

da IIV Qorovul qo'shinlariga qarashli poytaxtimizda joylashgan 7531-harbiy qismda xizmat qilyapti.

San'atga mehri bo'lakcha bo'lgan O. Abdurashidov sozandalik borasida o'z iste'dodini namoyish etib kelmoqda. O'n bir yoshidan milliy cholg'u asboblari bo'lmish tanbur, dutor va satoning sir-sinoatlarini o'rganib

kelayotgan qahramonimizning bu darajaga yetishida ustozlari – O'zbekiston xalq hofizlari Hasan Rajabiy va Mahmud Tojiboyev singari san'atimiz darg'alarining hissasi beqiyos bo'ldi. Otabek Abdurashidov Navro'z va Mustaqillik bayrami konsertlarida ishtirok etib, o'zining sehri navolari bilan tomoshabinlar mehrini qozondi.

Uning ijrosidagi musiqalar O'zbekiston xalq artisti, «Buyuk xizmatlari uchun» ordeni sohibi Turg'un Alimatovning mazmunli hayot yo'li va serqirra ijodiga bag'ishlangan «Umr daftari» hujjatli filmidan ham joy oldi.

Bundan tashqari Otabek Abdurashidov 2021-yilda osoyishtalik posbonlari o'rtasida an'anaviy tarzda o'tkazib kelinayotgan «San'atda havaskor iste'dodlar» ko'rik-tanlovining respublika bosqichida ijrochilik yo'nalishi bo'yicha 1-o'rinni qo'lga kiritdi. Shu bilan birga, yurtimizdagi va xorijiy nashrlarda uning milliy san'atimizga oid turkum maqolalari chop etilgan.

Mixli SAFAROV,  
o'z muxbirimiz.



Suratda: Otabek Abdurashidov ustozlari Alisher Alimatov bilan.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –

polkovnik  
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –

mayor Azizjon FAYZIYEV  
kapitan Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –

Jahongir SHAROFBOYEV  
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –

kapitan Mixli SAFAROV  
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –

Zokir BOLTAYEV  
Ilhom JUMANOV  
Akbar BOLTAYEV

Fotomuxbirlar –

Abu KENJAYEV  
Ikrom HASANOV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari  
bo'yicha:

71-231-38-74;

97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



Tahririyat hisob raqami  
h/r 23402000300100001010.

Bank kodi 00014.

O'zbekiston Respublikasi  
Iqtisodiyot va moliya  
vazirligi g'aznachiligi.

Shaxsiy h/v

470010860262877031101179001

STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'l-  
yozma va suratlar egasiga  
qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosil-  
ganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter  
markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyat-matbaa  
ijodiy uyi bosmaxonasida  
chop etildi.

Korxonalar manzili:

Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi  
Prezidenti Administratsiyasi  
huzuridagi Axborot va ommaviy  
kommunikatsiyalar agentligi  
tomonidan 2020-yil 13-yanvarda  
0120-raqam bilan ro'yxatga  
olingan.

Buyurtma №V-5578.

Bosilish – ofset usulida.  
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma  
taboq. 50362 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda – 180.

Tashkilotlar uchun – 366.

Bosishga topshirish vaqti – 22.00.

Bosishga topshirildi – 21.00.

Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,  
Shota Rustaveli 1-berk  
ko'chasi 9-uy.

